Хакикатан хам халк суверенитети, миллий суверенитет ва давлат суверенитети айнан бир тушунча эмас. Улар турли ижгимоий вокеликнинг хусусиятлари булиб, шу билан бирга бу тушунчалар маълум бир умумийликка эга. Ушбу тушунчалар ичида халк суверенитети бирламчи хисобланади. Миллий суверенитетга хар доим миллатга доир хусусият сифатида ёндашиб булмайди, унта мил-латларнинг тент хукукийлиги сифатида тушунилиши лозим. Умуман олганда халкаро хукукда «миллат»нинг уз такдирини узи хал килиш хукуки йук, факат «халк»нинг бундай хукуки мавжуд (БМТ Уставининг 1-модда 2-банди).

Давлат суверенитети — давлатнинг эмас, балки давлат хокимиятининг устуворлиги ва мустакиллигидир. «Давлат» ва унинг «хокимияти» турли тушунча ва категория хисобланади. Давлат суверенитети мамлакат ичкарисида ва ташкарисидаги давлатнинг фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Давлат суверенитетининг ушбу икки жихати, яъни: биринчидан, давлат хокимиятининг мамлакат ичида устуворлиги, иккинчидан, бошка давлатларнинг суверен хукукдари ва умумэътироф этилган халкаро хукук тамойиллари ва меъёрларига риоя килган холда ташки алокаларда мустакиллиги — яхлит ва ажралмасдир.

Давлат суверенитети кенгайтирилиши хам, камайтирилиши хам мумкин эмас, чунки унга нисбатан бевосита санок, мезонларини умуман куллаб булмайди. Давлат суверенитети давлатнинг суверен хукуки билан боглик булиши мумкин эмас, бирок шу билан бирга айнан суверен хукукларнинг туликлиги билан таъминланади.

Давлат суверенитети билан боглик тарзда «иктисодий суверенитет» ва «сиёсий суверенитет» тупгунчаларидан хам фойдаланилади. Давлатнинг икгисодий суверенитети деганда халкни уз миллий бойликларини мустакил тасарруф килиш, иктисодий ва ижтимоий ривожланиш максадларида уз табиий ресурсларидан фойдаланиш усулларини эркин белгилаш англашилади. У уз табиий ресурслари устидан мутлак назоратни амалга ошириш ва иктисодиётнинг барча сохаларидаги хар кандай корхоналар фаолияти ички юрисдикциясига олишини билдиради.

Давлатнинг сиёсий суверенитети мамлакат халкининг уз иродасини эркин ифодалашни акс эттиради. «Халк» тушунчасига ал-батта, миллатидан катъи назар, ушбу мамлакатнинг барча фукаролари киради. Табиийки, бундай купмиллатли оилада давлатга уз номини берган миллат белгиловчи ахамиятга эга. Умуман, аксарият холларда «сиёсий» ва «давлат суверенитети» тушунчалари синоним сифатида кулланилади. Шуни алохида таъкидлаб утиш лозимки, ушбу тушунчаларга булган муносабат «униси ёки буниси» деган тамойил буйича каралиши мумкин эмас. Улардан бирини илмий муомала тилида ишлатилиши иккинчи тушунчани инкор килиш деб хисобланмайди. Бу уринда суз узаро алокадор тушунчалар хусусида кетмокда, улардан бири иккинчис□Á睽Й℘¿□﹎□

楺磧□DŽ□□ȸ堋1Ô棘1格10棲1斐1ꟹ洇1ˡƄ洇1ɾ樗1ŖŖⱢⱢ洇1ł樗1,□0□"⋨□ □¶□□□梵1梵
1ŖŖ□□⋞ŖŖ□1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у □Á 睽ЙҼ¿□⎵□

桂磧DŽ ꭤ𡑞1Ô棘1格10棲1巽1ⴻ涸1ˈ Ꚋ涸1ɾ樗1ŖŖꞪ涸1ł樗1,0"⋜ ¶ 梵1梵
1ŖŖ ⋦ŖŖ 1ā

- муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич
-
-
- Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари
-
- 1-маъруза.
-
- Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти
-
-
- Халкаро хукукнинг пайдо бу**лиши.**

**Халкаро хукук тушунЧ**аси.

Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у ри хисобланади:

- давлатни тан олиш;
- хукуматни тан олиш;
- кузгалон кутарган тарафни тан олиш;
- миллий озодлик органларини тан олиш;
- каршилик курсатиш органлари ва бошкаларни тан олиш.

Шундай тан олишнинг хозирги дипломатик амалиётда энг куп таркалган шакли у ёки бу давлат хукуматлари томонидан мавжуд давлатнинг янги хукумати билан ёки янги пайдо булган давлатнинг хукумати билан дипломатик алокалар урнатиш ёки унга розилик бериш хисобланади.

Халкаро-хукукий тан олишнинг де-юре ва де-факто шакллари анъанавий хисобланади. Хеч кандай шартсиз расмий тан олиш тугрисидаги, де-юре ва де-факто тан олиш тугрисидаги, дипломатик алокалар урнатиш ёки шунга рози булиш хакидаги баёнотлар расмий тан олиш хисобланади.

Норасмий тан олиш у ёки бу давлатнинг хукумати расмий равишда тан олинмаган мамлакат хукумати билан алокага кириши, баъзан ad hoc халкаро-хукукий тан олиш деб аталадиган, бир-бирини тан олмайдиган давлатлар томонидан халкаро конференцияларда ёки халкаро ташкилотлар доирасида хамкорлик килиши хисобланади.

Тан олаётган тараф томонидан тан олинган тараф билан зарурат булганда бевосита халкаро-хукукий муносабатларга кириш ниятини тасдикловчи гувохнома — халкаро-хукукий тан олишни расмийлаштирувчи хужжатдир. Шу билан бирга бу янги давлат ва хукуматни тузиш воситаси хисобланмайди.

Хукуматни тан олиш — давлатлар томонидан бирон-бир мамлакатнинг

гайриконституциявий йул билан хокимиятга келган хукуматни тан олишдир. Расмий тан олишнинг икки шакли — де-факто (de-facto) ва де-юре (de-jure) мавжуд.

**Де-факто** тан олиш — мавжуд давлат ва хукуматлар томонидан у ёки бу мамлакатда янги пайдо булган давлат ёки хукуматни тан олишнинг анъанавий шаклларидан бири хисобланади. Бундай тан олишнинг сабабларини курсатиш талаб килинмайди. Одатда де-факто тан олиши тан олаётган давлат янги хукуматни ёки давлатнинг узини етарли даражада узок, яшаши мумкинлигига ишончсизлик билан Караганда кулланилади ёхуд маълум вакт утгунга кадар янги халкаро хукук. субъектини ёки унинг хукуматини расман ва тулик. тан олиш нияти йукдигини ифодалайди. Де-факто тан олишда дипломатик алокалар урнатиш шарт эмас. Де-факто тан олиш айрим холларда консуллик муносабатларини урнатишга олиб келиши мумкин, лекин бу мажбурий коида эмас. Бу тан олаётган давлат мазкур хукуматнинг мавжудлиги билан хисоблашади ва у билан бирон-бир масала буйича алока килиши мумкинлигини англатади. Де-факто тан олинган давлат билан хамкорлик турли сохаларда булиши мумкин, чунки бундай тан олиш нати-жасида халкаро муносабатларда суверен давлат сифатида катнашади. Де-факто тан олиш де-юре тан олишдан куп фарк; килмайди (АКШ хукумати томонидан 1919 йил 7 майдаги Финляндияни де-факто тан олиши шу билан характерлики, 1920 йил 12 январ-да берилган тушунтириш буйича бу тулик; тан олиш хисобланади).

**Де-юре** тан олиш — тулик» хал килувчи тан олишдир. У одатда дипломатик алокалар урнатишга олиб келади.

Де-юре тан олиш — мамлакатда вужудга келган янги давлат ёки хукуматни халкаро майдондаги мавжуд давлатлар хамда хукуматлар томонидан расмий тан олишнинг анъанавий шаклларидан биридир. Тан олишнинг бу тури тан олувчи давлатнинг мазкур давлат билан тулик; дипломатик муносабатларни урнатишга тайёр эканлигини ифодалайди.

Де-юре тулик; расман тан олишдир. Де-юре тан олиш окибатида давлатлар олий тоифадаги дипломатик вакиллар билан алмашадилар, тан олинувчи давлатнинг хорижда маълум мулк ва бошка кимматбахо буюмларни тасарруф кдлиш хукуки хамда уни тан олувчи давлат юрисдикциясидан иммунитети тан олинади ва х,.к. Бирок; баъзан маълум шарт (оговорка) илова кдлиниши хам мумкин (ма-салан, тан олинаётган хокимиятни эътироф этишнинг худудий чегаралари тугрисида (1924 йилда Буюк Британия билан СССР, 1950 йилда — ХХР) ёки халкаро мажбуриятларга нисбатан (1947 йилда Буюк Британия билан Болгария Халк. Республикаси).

## Давлатларнинг хукукий ворислиги

**Давлатларнинг хукукий ворислиги** — бир давлатга тегишли хукук, ва мажбуриятларнинг бошкасига утишидир. Давлатларнинг хукукий ворислиги тугрисидаги масала:

- биринчидан, ижтимоий инкилоб натижасида ижтимоий тузумнинг алмашиниши юз берганда (масалан, 1949 йилда Хитой хуцу-дида ХХР эълон кдлиниши);
- иккинчидан, миллий-озодлик кураши натижасида янги мустакил давлатнинг вужудга келиши (1993 йилда Эритреяни Эфиопиядан ажраб чикиши);
- учинчидан, утмишдош — давлат худудида бир неча янги давлатларнинг пайдо булиши (1991 йилда СССР ва СФРЮнинг парчаланиб кетиши) ва икки ёки бир неча давлатларнинг бирлашиши натижасида янги давлатнинг вужудга келиши (1990 йилда икки Германиянинг хамда 1991 йилда икки Яманнинг бирлашиши) натижасида юзага келади.

Давлатларнинг хукукий ворислиги янги давлатлар учун муайян юридик окибатларга эга. Чунки бунинг натижасида халкаро шартномаларни кайта куриб чикиш ва уларни денонсация килиш, халкаро ташкилотларга аъзолик, мулкка булган мерос хукуки каби масалаларни кайтадан куриб чикиш эхтиёжи курилади.

1978 йилда Шартномаларга нисбатан давлатларнинг хукукий ворислиги тугрисида Вена конвенцияси кабул килинди (хали кучга кирмаган). Конвенция куйидаги холатларда вужудга келадиган давлатларни шартномаларга нисбатан хукукий ворислигини тартибга солади:

- биринчидан, аввалги тобе худудларда янги мустакдл давлатнинг ташкил топиши;
- иккинчидан, бир неча давлатларнинг бирлашиш ёки давлатни бир неча мустакил

давлатларга булиниб кетиши;

- учинчидан, келишувга мувофик бир давлатга тегишли худуднинг бир кисмини бошка бирига бериши.

Конвенцияда катор ижобий элементлар:

- янги мустакил давлатнинг уз халкаро-хукукий алокаларини мустакил белгилаш хукуки;
- озодликка эришган давлатнинг уз табиий бойликларига нисбатан ажралмас суверенитетини тасдиклаш;
- уз юрисдикцияси остида булмаган худудларда чет эл харбий базаларини барпо этишнинг ноконунийлиги;
- меросхур-давлатнинг халкаро хукукнинг умумэътироф этилган меъёрларига риоя килиш мажбуриятини мустахкамланиши мавжуд.

1983 йилда Давлат мулки, давлат архивлари ва давлат карзларига нисбатан давлатларнинг хукукий ворислиги тугрисидаги Вена Конвенцияси кабул килинди (хали кучга кирмаган). Ушбу Конвенциянинг давлат мулки тугрисидаги кисмидаги мухим коида (9-модда) — утмишдош-давлат мулкининг меросхур-давлатга утиши билан унинг мулкка нисбатан хукуки бекор булиб, меросхур-давлатда эса ушбу мулкка нисбатан хукук пайдо булишидир. Конвенция умумий тамойил сифатида утмишдош-давлат мулкининг меросхур-давлатга хеч кандай товонсиз (компенсациясиз) утишини белгилаган. Давлатнинг мерос хукуки амалга ошириладиган вактда утмишдош-давлат худудида булган ва унинг ички хукукига мувофик, учинчи давлатга тегишли булган мулк хукук ва манфаатларига нисбатан меросхур-давлат дахл килмайди.

Шундай килиб, давлат хукукий ворислиги учинчи давлатлар мулкига нисбатан хеч кандай окибатлар тугдирмайди. Конвенция давлатлар давлатлар хукукий ворислигининг беш турини ажратади. Булар:

- Давлат худудининг маълум кисмини бошка давлатга берилиши;
- Янги мустакил давлатнинг тузилиши;
- Давлатларнинг бирлашиши;
- Давлат кисми ёки кисмларининг ажраб чикиши;
- Давлатларнинг булинишидан иборат.

СССР парчаланиб кетганидан сунг Мустакил Давлатлар Хамдустлиги (МДХ)га кирган давлатлар уртасида давлатлар хукукий ворислик буйича комплекс келишувга эришилган ва улар томонидан хукукий ворислик буйича катор карорлар, хусусан, собик СССРнинг узаро манфаат касб этувчи шартномаларига нисбатан хамфикрлик тугрисидаги меморандум (1992 йил), собик СССРнинг чет эллардаги барча мулкини таксимлаш туррисидаги келишув (1992 йил), собик СССРнинг давлат архивларига нисбатан хукукий ворислик туррисидаги келишув, Хукукий ворислик масалалари буйича МДХ давлат бошликлари Кенгаши карори (20 март 1992 йил) кабул килинган.

Россия СССРнинг хукукдй вориси эмас, балки давомчиси хисобланади. Бу тугрида у 1992 йил январь ойида барча давлатларга нота оркали расман билдирган.

Давлат чегараларига нисбатан хукукий ворислик — давлатлар ворисийлиги натижасвда чегара чизиклари холатига нисбатан хукук ва мажбуриятларнинг бошка давлатга утишини англатади. 1978 йилда кабул кдлинган Шартномаларга нисбатан давлатлар хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенциясига мувофик давлатларнинг хукукий ворислиги давлат чегаралари хукукий тартибига тегишли хукук ва мажбуриятлар ва шартнома билан белгиланган чегараларга дахл килмайди. Бу, агар давлат хукукий ворислиги фактининг узидан шартномавий хукук ва мажбуриятларни бекор килиш ёки узгартириш учун кандайдир асослар вужудга келса, бундай асослар шартнома билан белгиланган чегаралар ёки чегара режимига тааллукли хукук, ва мажбуриятларнинг узгартирилишвда фойдаланилиши мумкин эмаслигини англатади.

Агар маълум давлат билан узаро келишув асосида ва халкаро хукукка мувофик чегаралар узгартирилишига келишилмаган булса, чегаралар тугрисидаги шартномалар меросхур-давлат томонидан бажарилиши лозим.

Хукуматларнинг хукукий ворисийлиги — давлат ичкарисидаги узгаришлар натижасида хукук ва мажбуриятларга нисбатан мерос хукукидир. Гайриконституциявий йул билан хукуматлар алмашинуви натижасвда янги хукуматнинг хорижий давлатлар билан угмишдош хукумат томонидан тузилган шартнома ва битимларга нисбатан муносабати масаласи кун тартибига чикади. Бирок, бу масалада бошка нуктаи назар хам мавжуд. Унга мувофик хукумат алмашинуви давлатларнинг хукук ва мажбуриятларига таъсир килмайди.

Давлат булиниши натижасвда мустакил давлатларнинг вужудга келишидаги хукукий ворислик — халкаро хукук буйича угмишдош-давлат хукук ва мажбуриятларини меросхур давлатларга утиши тушунилади. Агар давлатнинг бирор кисми ажраб чикиб кетганидан сунг хам у уз фаолиятини давом эттирса, давлатга хукукий ворислик утаётган пайтда утмишдош-давлатга нисбатан кучда булган хар кандай шартнома унинг колган барча худудлари учун уз кучини саклаб колади. Бу аваламбор давлатлар уртасида баркарор шартномавий муносабатларни саклаб колиш максадини кузда тугади.

Ушбу холатда шартномалар хукукий ворислигига нисбатан белгиланадиган асосий тамойил — шартномаларга риоя килиш тамойилидир. Хали кучга кирмаган 1978 йилда кабул килинган Шартномаларга нисбатан давлатларнинг хукукий ворисийлиги тугри-сидаги Вена Конвенциясининг 35-моддаси курсатилган умумий коидадан истисно булган холатларни курсатиб утади:

- биринчидан, агар меросхур-давлат ва шартноманинг бошка катнашчи-давлати ёки давлатлари узгача келишган булсалар;
- иккинчидан, шартнома фактдт утмишдош-давлатдан ажраб чиккан худуд учунгина тегишли эканлиги белгиланган булса;
- учинчидан, агар шартнома коидаларини меросхур-давлатга нисбатан куллаш унинг объект ва максадларига мувофик. келмаслиги ёки унинг харакат шартларини тубдан узгартириб юбориши мумкинлиги шартноманинг узидан куриниб турган булса ёки бошкача тарзда белгиланган булса.

Янги мустакил давлатлар ташкил топишида хукукдй ворисийлик маълум узига хос хусусиятларга эга. Узок йиллар давомида мустамлака хукмронлиги остида ёки ноконуний оккупация остида булган тобе худудлар халкаро шартномалар тузишда иштирок этмайдилар. Ушбу функция метропол-давлат томонидан тобе худудларда яшовчи ахоли манфаатлари инобатга олинмаган холда амалга оширилган.

Тобе худудларга тегишли булган шартномаларнинг аксарият кисми асоратга солувчи шартномалар саналган. Бу каби шартномалар харакатининг давом эттирилиши ёш давлатларнинг сиёсий ва иктисодий мустакиллигини хавф остида колдирар эди.

1978 йилда кабул килинган Шартномаларга нисбатан давлатларнинг хукукдй ворислиги туррисидаги Вена конвенцияси янги мустакдл давлатни утмишдош-давлат шартномаларидан озод килишни кузда тутади. Конвенция катор ижобий элементларни узида мужассамлаштиради. Булар:

- янги мустакил давлатларнинг халкаро шартномавий алокаларини мустакил (эркин асосларда) белгилай олиш хукуки
- уларнинг табиий захиралари устидан ажралмас суверенитетини тан олиш;
- узга худудларда чет эл харбий базаларини куришни гайриконуний деб белгилаш тугрисидаги коида;
- меросхур-давлатларнинг халкаро хукукнинг умум тан олинган тамойилларига риоя килиш мажбурияти кабилардир.

1983 йилда давлат мулки, давлат архивлари ва давлат карзларига нисбатан давлатларнинг хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенциясига мувофик, агар меросхур-давлат янги мустакил давлат булса ва давлат хукукий ворисийлик объекта хисобланмиш утмишдош-давлатнинг кучмас давлат мулки унинг худудида жойлашган булса, у холда у меросхур-давлат ихтиёрига утади. Меросхур-давлатга, шунингдек, ушбу худуддан ташкарида булган, бирок, утмишдош-давлат томонидан мустамлака давомида эгаллаб олинган кучмас мулк хам утади. Агар хориждаги бундай мулкнинг яратилишида тобе давлат хам иштирок этган булса, у холда янги давлатга унинг кушган улуши микдоридаги хиссаси утади.

Икки ёки бир неча давлатларнинг бирлашиши натижасида ягона меросхур-давлат ва шу билан бирга мазкур давлатнинг хукукий ворисийлиги вужудга келади.

Давлатларнинг хукукий ворислиги вужудга келган пайтда уларнинг хар бирига нисбатан

кучда булган хар кандай шартнома меросхур-давлатга нисбатан уз кучини саклаб колади. Качон-ки мазкур худудга нисбатан ушбу шартномани куллаш унинг объект ва максадларига мувофик келмаслиги ёки унинг харакат шартларини тубдан узгартириб юбориши шартномада аник, ифодаланган ёки узга тартибда белгиланган булса, у холатда умумий коидадан истисно булиши мумкин (1978 йилда кабул килинган шартномаларга нисбатан давлатларнинг хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенциясининг 31-моддаси). Охирги холатга ГДРнинг 1990 йилда ГФР билан бирлашиши натижасида унинг халкаро мажбуриятлари меросхур-давлатга утмаганлиги мисол булиши мумкин.

Худудларга нисбатан хукукий ворисийлик давлат худудининг бирор кисми ёки давлат худуди кисми хисобланмаган, бирок, унинг халкаро муносабатлари учун шу давлат жавобгар булган кандайдир худуднинг бошка давлат худуди кисмига айланиб колган холатларда вужудга келади. Бундай холатда:

- биринчидан, утмишдош-давлат шартномалари маълум худуднинг бошка давлат ихтиёрига утиши билан унга нисбатан уз кучини йукотади;
- иккинчидан, мазкур худудда меросхур-давлатнинг шартномалари юридик кучга эга булади.

Качонки, мазкур худудга нисбатан ушбу шартноманинг кулланиши унинг объект ва максадларига мувофик келмаса ёки мажбуриятлар хажмини тубдан узгартириб юборса, ушбу коидалардан истисно булиши мумкин.

Утаётган худуднинг чегараларига нисбатан учинчи давлатлар билан тузилган шартномалар унга нисбатан уз кучини саклаб колади (1978 йилда кабул килинган шартномаларга нисбатан давлатларнинг хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенциясининг 15-моддаси).

Ижтимоий инкилоб вактидаги хукукий ворисийлиги ушбу инкилоб натижасида вужудга келган янги давлатга эски давлатга тегишли булган баъзи халкаро хукук ва мажбуриятларнинг утиши тушунилади.

Ижтимоий инкилоб натижасида юз бераётган кескин (радикал) ижтимоий-иктисодий ва сиёсий узгаришлар агдариб ташланган тузумнинг халкаро хукук ва мажбуриятларини кайтадан куриб чикиш учун асос булади. Бунда янги давлат тузуми асосларига зид булган хукук ва мажбуриятларгина бекор килинади.

Ижтимоий инкилоб юз берганда вужудга келиши мумкин булган хукукий ворисликнинг турли назариялари мавжуд. Улардан бирига мувофик, ижтимоий инкилоб натижасида хукук ва мажбуриятларнинг кайта куриб чикилиши халкаро хукукнинг сифат жихатидан янги субъекти вужудга келганлиги билан характерланади. Иккинчи бир назарияга кура, ижтимоий инкилоб мамлакатда тубдан ижтимоий-иктисодий ва сиёсий узгаришларни амалга ошириш билан бирга унинг халкаро хукукий субъектлигига хеч кандай таъсир курсатмайди. Бирок,, пировардида, баъзи халкаро хукук, ва мажбуриятларни кайта куриб чикиш хукукини беради. Октябрь инкилоби натижасида вужудга келган Совет давлати (янги хукуматнинг фикрига мувофик} Россия империясининг тенг хукуклиликка асосланмаган, махфий хамда иттифокчилик мажбуриятларини бажаришга каратилган битимларидан воз кечди. Шунингдек, Совет давлати подшо хукумати карзларини тулашдан воз кечди ва хорижий кредитларни бекор килди. Шу билан бирга гуманитар, маъмурий ва техник сохалардаги купгина битимлар хамда бир катор халкаро мажбурият ва хукуклар саклаб колинди.

## Давлатга ухшаш тузилмалар — халкаро хукук субъекти

**Давлатга ухшаш тузилмалар** — халкаро хукук субъектларининг бир тури хисобланади. Давлатга ухшаш тузилмаларга «эркин шахарлар» (угмишда — Венеция, Гамбург, Новгород) киради. Ушбу ибора умумлаштирилган тушунча хисобланади, чунки у нафакат шахарларга, балки маълум туманларга нисбатан хам кулланади. Баъзи холатларда тегишли тузилмаларни эркин шахарлар, баъзан эса мустакил (озод, эркин) худуд ёки минтакд (зона) деб аташган (масалан, эркин шахар Данциг, мустакил худуд Триест).

Умуман эркин шахарлар худудий даъволарни тухтатиб куйиш, халкаро муносабатларда маълум худуднинг тегишлилиги борасида вужудга келадиган кескинликни юмшатишнинг бир услуби сифатида вужудга келган.

Эркин шахар халкаро шартнома ёки халкаро ташкилотнинг карорига биноан барпо

этилади ва чекланган хукук лаёкатига эга булган узига хос давлат хисобланади. У уз Конституцияси ёки ухшаш (анологик) характердаги хужжатга, олий давлат органларига, фукаролигига эга булади.

Эркин шахар, одатда, куролсизлантирилган ва бетараф хисобланади.

Унинг куролли кучлари факат мудофаа характерини касб этади. Улар анъанавий тушунчадаги куролли кучлар эмас, балки чегараларни химоя килиш ва хукукий тартиботни саклаб туришга хизмат килувчи кучлардир.

Эркин шахарни барпо килувчилар, одатда, унинг макомини бошка хукук субъектлари томонидан риоя этилишини назорат килиш усулларини белгилаб куядилар. Масалан, ушбу максадларда уз вакиллари ёки вакилини тайинлайдилар.

Халкаро майдонда эркин шахар манфаатларини манфаатдор давлат ёки халкаро ташкилот химоя килади. Икки жахон уруши оралигида мавжуд булган эркин шахар Данциг макомини Миллатлар лигаси кафолатлаган, унинг ташки алокалардаги манфаатларини Польша химоя килган.

Эркин шахар Триест 1947 йилда Италия билан тузилган тинчлик сулхи асосида ташкил топган, кейинчалик, 1954 йил битимига асосан Италия ва Югославия уртасида булинган ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши химоясида булган.

Шахар-давлатлар Ватикан ва Мальта ордени каби давлатга ухшаш тузилмалар узига хос жихатларга эга. Четдан караганда Ватикан (католик черковининг Мукдддас тахти) давлатининг барча атрибутларига — унча катта булмаган худуд, давлат хокимияти ва бошкаруви органлари тизимига эга. Бирок Ватикан ахолиси тугрисида факат шартли равишда гапириш мумкин: бу — католик черковида тегишли лавозимларда ишловчи мансабдор шахслар. Шу билан бирга Ватикан — ижтимоий мазмундаги, яъни маълум жамиятни бошкарувчи механизм, унинг томонидан яратилган ва уни химоя килувчи давлат эмас. Купрок у католик черковининг маъмурий маркази сифатида курилиши мумкин.

Ватикан макомининг узига хослиги уни расман халкаро хукук субъекти деб тан олувчи давлатлар билан дипломатик муносабатлар урнатганлиги билан изохланади. Бундай тан олиш католик черковининг сиёсий ролини амалда тасдиклашни англатади.

1889 йилда суверен тузилма сифатида тан олинган Мальта орденининг халкаро хукук субъекти эканлиги масаласи муайян узига хос хусусиятларга эга. Орден манзилгохи — Рим шахрида жойлашган. Унинг расмий максади — хайрия фаолиятини амалга ошириш. У купгина давлатлар билан дипломатик муносабатларга эга. Орденнинг уз худуди ва ахолиси йук. Унинг суверенитети ва халкаро хукук лаёкати — хукукий фикция.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу каби тузилмаларнинг хаммаси хам халкаро хукук субъектлари хисобланмайди.

## Миллатлар ёки халклар — халкаро хукук субъекти сифатида

Уз озодлиги учун курашаётган ва маълум хокимият тузилмаларини тузган, ягона марказ билан бирлашган миллат ёки халклар миллат ёки халк номидан халкаро муносабатларда иштирок этиши ва халкаро хукук субъекти макомига эга булишни талаб килиши мумкин. Амалда бундай тузилмалар каторига ягона кумондонликка эга булган хамда аксарият холларда бир вактнинг узида сиёсий рахбарликни амалга оширувчи куролли отрядлар киради.

Миллатлар ёки халклар халкаро хукукнинг алохида ва махсус субъектлари хисобланади.. Императив характердаги меъёр-тамойилга — тенг хукуклилик ва халкларнинг уз такдирини узи белгилаш тамойилига мувофик барча халкларнинг уз такдирини узи белгилаш хукуки, яъни ташкаридан хеч кандай аралашувсиз эркин асосларда узининг сиёсий макомини белгилаш ва иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш хукуки тан олинади. 1970 йидда кабул килинган Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги декларацияга мувофик хар бир давлат ушбу хукукни хурмат килиши лозим. Суз халклар ва давлатлар уртасидаги узаро муносабатлар (халкаро хукукий муносабатлар) тугрисида бормокда.

Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги декларацияга мувофик; суверен ва мустакил давлатнинг пайдо булиши, мустакил давлатга эркин кушилиши ёки у билан бирлашиши ёки халк томонидан эркин асосларда белгиланган бошка сиёсий макомнинг урнатилиши ушбу

халкнинг уз такдирини узи белгилашни амалга оширишнинг усуллари саналади.
Халкаро хукукда «халк» тушунчаси аникланмаган. Бизнинг назаримизда, халк — худудий характер касб этувчи тушунчадир. Халк — мазкур худудда, улар уртасидаги иркий, этник, диний ёки бошка характердаги фарклардан катьи назар, доимий яшовчи (балогат ёшидаги) шахсларнинг йиғиндисидир. Бундай тарзда уз такдирини узи белгилаш бир вактнинг узида ушбу худуднинг сиёсий макомини хам белгилашдир.

Якин вактларда хам уз такдирини узи белгилаш тугрисида суз борганда биринчи галда тобе худудларнинг халклари, яъни мустамлака остида булган халклар кузда тутилар эди. Ва хар бир давлатга уларнинг уз такдирини узи белгилашда кумаклашиш мажбурияти юкланган.

Давлатлар узаро муносабатларида ички хукук; конун хужжатларида хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, уз худудидаги барча индивидлар хамда нохукумат ташкилотларнинг асосий хукук ва эркинликларини таъминлашга узаро риоя килиш мажбуриятини (авваламбор тегишли хаикаро шартномадар асосида) оладилар.
Жисмоний ва юридик шахслар, нохукумат ташкилотлар ёки миллий хукукнинг узга субъектлари халкаро хукук; субъектлари эмас, чунки улар ички давлат хукукий тартибига буйсунадилар. Халкаро хукук; субъекгларининг узига хос жихати х.ам уларга юридик мажбурий хатги-х.аракат к;оидаларини белгилаб берувчи куч ёки хокимиятнинг мавжуд эмаслиги билан изохланади. Халкдро ташкилотлар — халкаро хукук; субъекти сифатида халкаро ташкилотлар таркибига хукуматлараро ташкилотлар хамда аъзолари шахсий тартибда харакат килувчи давлатлараро механизмлар ва органлар (халкаро арбитражлар, комитетлар, экспертлар гурухи ва бошкалар) киради.

Хукуматлараро конференцияни вактинчаликхалкэро муассаса деб хисоблаш мумкин.

Халкаро ташкилот узининг хапкаро хукук; лаёкатига таъсис шартномасига мувофик; эга булади. Шартнома халкаро ташкилотни маълум хукукда эга була олиш, яъни давлатлар ва хукуматлараро ташкилотлар билан шартномалар тузиш, уз номидан карорлар кабул килиш к;обилияти билан таъминлайди.

Халкаро хукукий хужжатларда халкаро ташкилот — бу хукуматлараро ташкилот деб курсатилган таърифдан бошка «халкаро ташкилот» тушунчаси мавжуд эмас. Бирок бундай таъриф факат хукуматлараро (халкаро) ташкилотни нохукуматлараро ташкилотдан фарклайди, холос. Халкаро ташкилот халкаро тузилма булиб, унинг таъсис этилиши ва фаолияти халкаро хукук нормалари билан тартибга солинади. Халкаро ташкилотнинг таъсис этилиши ва фаолияти хозирги давр халкаро хукукининг асосий тамойилларига мувофик; келиши лозим. Халкаро хукукий муносабатларда халкаро ташкилот аъзо-давлатлар иродасидан фаркли уларок уз иродасини ифодалаб, факат уз номидан катнашиши мумкин.

Халкаро ташкилот аъзо-давлатлар, узга ташкилотлар ва халкаро хукукнинг бошка субъектлари билан буладиган хукукий муносабатларда унинг иродасини белгиланган коидаларга мувофик; шакллантирувчи ва ифодалаб бера олувчи органларга эга булиши лозим.

Аъзолари таркиби ва фаолият доираси буйича халкаро ташкилотлар универсал халкаро ташкилотлар, яъни барча давлатлар катнашиши учун очик булган, худудий (регионал), яъни кандайдир йирик регион давлатларини бирлаштирувчи ва махаллий — бир неча (одатда учтадан оз булмаган) давлатларни бирлаштирувчи турларга булинади.
Уз таркиби, фаолият сохаси ва халкаро муносабатлардаги тутган алохида урнига кура энг универсал ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.
Яна халкаро органлар деб номланадиган халкаро тузилмалар хам халкаро хукук субъектлари хисобланади. Булар халкаро арбитражлар ва судлар (доимий ва ad hoc), тергов, яраштирувчи ва бошка комиссиялар, чунки улар давлатлар уртасидаги узаро битимлар асосида яратилади ва уз фаолиятида халкаро-хукукий коидаларга риоя килади.

## Узбекистон Республикаси — халкаро хукук субъекти

«Узбекистон — халкаро муносабатлар субъекти» деган конституциявий формула нафакат Узбекистон Республикасининг хозирги жахонда тутган урнинигина эмас, балки Узбекистон жахон хамжамиятининг ажралмас бир кисми, унинг тенг хукукли аъзоси эканлигини англатади. Бу куйидагиларда куринади:

- биринчидан, Узбекистон суверен давлат сифатида факат хозирги халкаро хукукнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари хамда узи иштирок этган халкаро шартномалар коидалари билан богликдир ва узининг розилигисиз бошка хеч кандай мажбурият юкланиши мумкин эмас;
- иккинчидан, Узбекистон худуди ичида давлат хокимияти чекланмаган ва халкаро хукукднинг бошка бирон-бир субьекти унта аралашишга хакли эмас. Унинг худудидан ташкарида эса хокимият бошка манфаатдор давлатнинг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин;
- учинчидан, Узбекистон халкаро хукукнинг бошка субъектлари билан дипломатик алокалар урнатиш ва улар билан шартномалар тузиш билан бевосита давлатлараро муносабатларда иштирок этади.

Мустакиллик йилларида Узбекистон жахоннинг 120 дан зиёд давлатлари билан расмий дипломатик алокалар урнатди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихоналари очилди ва 19 хорижий давлатларнинг элчилари уриндошлик асосида Узбекистон Республикасида аккредитация килинган. Республикада 88 хорижий ваколатхоналар, 24 та хукуматлараро ва 13 та халкаро нодавлат ташкилотлар фаолият курсатмокда.

Конституция асосида Узбекистон Республикасини халкаро муносабатларнинг тенг хукукли субъекти сифатида белгиловчи хукукий асос яратилган. Куйидагилар ташки сиёсат сохасида энг ахамиятли хисобланади:

1. 1996 йилдаги Узбекистон Республикаси ташки сиёсатининг асосий тамойиллари тугрисидаги Конун;
2. 1992 йилдаги Дипломатик ваколатхоналарнинг рахбарларини тайинлаш ва чакириб олиш тартиби тугрисидаги Конун;
3. 1992 йилдаги Дипломатик унвонлар ва даражаларни бериш тугрисидаги Конун;
4. 1992 йилдаги Халкаро шартномалар тугрисидаги Конун;
5. 1996 йилдаги Консуллик Устави.

Ташки иктисодий алокалар сохасида куйидаги конун хужжатлари кабул килинган:

1. 1992 йилда Хорижий сармоялар тугрисидаги Конун;
2. 1994 йилда Хорижий сармоядорларнинг фаолиятларини кафолатлаш туррисидаги Конун;
3. 2000 йилги янги тахрирдаги Ташки иктисодий фаолият тугрисидаги Конун.

Узбекистоннинг ташки алокаларини таъминловчи давлат органлари тузилган. Узбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис депутатлари умумхалк томонидан мукобиллик ва куппартиявийлик асосида сайланди, мамлакат хукумати тузилди. Ташки ишлар вазирлиги фаолиятининг йуналишлари ва вазифалари тубдан узгартирилди. Ташки иктисодий алокалар вазирлиги ва ташки  иктисодий фаолият миллий Банки тузилди. Ташки савдо фирмаларининг ихтисослашган тармоклари ташкил килинди, 260 дан зиёд чет эл фирмалари, банклари ва компанияларининг ваколатхоналари очилди.

***4 маъруза***

## ХАЛКАРО ХУКУК ТАМОЙИЛЛАРИ

- Халкаро хукук тамойиллари тушунчаси ва узига хос хусусиятлари.
- Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили.
- Куч ишлатмаслик ва куч билан тахдид килмаслик тамойили.
- Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили.
- Давлатларнинг худудий яхлитлиги тамойили.
- Халкаро низоларни тинч йул билан хал этиш тамойили.

- Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили.
- Инсон хукукларини хурмат килиш тамойили.
- Халклар ва миллатларнинг уз такдирини узи белгилаши тамойили.
- Давлатларнинг халкаро хамкорлик тамойили.
- Халкаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили.

**Халкаро хукук тамойиллари тушунчаси ва узига хос хусусиятлари**

**Хукук тамойили** — вокеликнинг объектив тартиби, ижтимоий амалиёт, ижгимоий ривожланиш конуниятларининг меъёрий инъикосидир.
Халкаро хукук тамойиллари — ижтимоий амалиёт натижасида вужудга келадиган халкаро хукукнинг юридик мустахкамланган асослари булиб, хукук субъекглари хатти-харакатининг рахбарий коидалари хисобланади.

Халкаро хукукнинг бир катор меъёрларини, гарчи улар халкаро хукук меъёрлари булса-да, тамойиллар деб номланади. Бирок, уларнинг баъзилари азалдан тамойиллар деб номланган, баъзилари эса халкаро-хукукий тартибга солишда тутган ахамияти боис шундай деб атала бошланган. Шу билан бирга халкаро хукукий тартиботни таъминлашда халкаро хамжамият учунута мухим ахамиятга эга булган ва умумий характер касб этувчи алохида тамойиллар хам мавжуд.

Тамойиллар ичида хозирги давр халкаро хукукий тартиботининг асосини ташкил этувчи халкаро хукукнинг асосий тамойиллари ажралиб туради. Давлатнинг кандайдир асосий тамойилни бузиши халкаро хамжамият томонидан бутун халкаро хукукий тартиботга тажовуз килиш деб тушунилиши мумкин.

Халкаро хукук тамойили — авваламбор халкаро хукук меъёридир.
Хукук тамойилларидан хукукий онг тамойилларини, яъни кишилар, ижтимоий харакатлар, сиёсий партиялар ва хоказоларнинг субъектив тасаввурларини фарклаш лозим.
Хукук субъекглари учун халкаро хукук тамойилларига риоя килиш катьиян мажбурийдир. Халкаро хукук тамойилини ижтимоий амалиётни узгартириш оркалигина бекор килиш мумкин. Бу эса алохида давлатлар ёки давлатлар гурухи имконияти доирасида эмас. Шунинг учун хар бир давлат халкаро хукук тамойилларини бузиш оркали ижтимоий амалиётни «тузатиш»га каратилган хар кандай бир томонлама тартибдаги уринишларга уз муносабатини билдириши лозим.

Халкаро хукук тамойиллари одатий ва шартнома усуллари оркали шаклланади. Улар бир пайтнинг узида икки хил функцияни бажаради:

- биринчидан, халкаро муносабатларни уларнинг маълум меъёрий доиралар билан чегаралаш оркали баркарорлапшшига кумаклашади;
- иккинчидан, халкаро муносабатлар амалиётида вужудга келадиган барча янги холатларни мустахкамлайди.

Халкаро хукук тамойилларининг узига хослиги уларнинг универсаллигидир. Яъни халкаро хукукнинг барча субъекглари тамойилларга катьиян риоя килишлари лозим, чунки мазкур тамойилларни хар кандай тарзда бузиш мукаррар равишда халкаро муносабатларнинг бошка иштирокчилари конуний хукук ва манфаатларига дахл килишга олиб келади. Халкаро хукук тамойиллари бугун халкаро-хукукий меъёрлар тизимининг конунийлик мезони хисобланади.

Халкаро хукукнинг асосий тамойиллари БМТ Уставида мустахкамланган. БМТ Устави тамойиллари jus cogens характерини касб этиши кенг тан олинган, яъни улар давлатлар томонидан бекор килиниши мумкин булмаган олий даражадаги мажбуриятларсаналади.
Халкаро хукукда унинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларини батафсил баён килиб берувчи ягона меъёрий хужжат мавжуд эмас. Агар БМТ Уставида беш тамойилнинг номи келтирилган булса, Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги Декларацияда уларнинг етгитаси ифодалаб берилган. Булар куйидагилардир:

1) Куч ишлатмаслик ва куч билан тахдид килмаслик та

мойили.
2) Халкаро низоларни тинч йул билан хал этиш тамойили.
3) Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили.
4) Давлатларнинг халкаро хамкорлик тамойили.
5) Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили.
6) Халклар ва миллатларнинг уз такдирини узи белгилаш тамойили.
7) Давлатларнинг халкаро мажбуриятларини виждонан бажариш тамойили.

Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Кенгашнинг Хельсинки Якунловчи Хужжатида мазкур тамойилларга яна учтаси кушилган. Булар:

1) чегаралар дахлсизлиги;
2) давлатларнинг худудий яхлитлиги;
3) инсон хукуклари ва асосий эркинликларини хурмат килишдир.

Жахон хамжамияти олдида турган умумбашарий муаммоларни хал этиш заруриятини ифода этувчи янги тамойиллар хам (масалан, атроф мухитни химоя килиш мажбурияти) шаклланмокда.

Узбекистон Республикаси Конституциясида юкорида куриб угилган тамойиллардан бештаси аник белгилаб куйилган ва «халкаро хукукнинг бошка умумтан олинган тамойил ва меъёрлари»ни хурматлаш айтиб угилган

## Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили

Халкаро хукукий тартиботни факат унинг катнашчилари юридик тенглигини хурмат килиш оркали таъминлаш мумкин. Хар бир давлат халкаро тизимнинг бошка иштирокчилари суверенитетини хурмат килиши керак. Бу ерда уларнинг уз хукуки доирасида конунчилик, ижро ва суд хокимиятини амалга оширишари хамда мустакил ташки сиёсатни олиб бориш хукуки назарда тутилмокда. Давлатларнинг суверен тенглиги хрзирги давр халкаро муносабатларининг асосини, халкаро хамкорлик базасини ташкил кдлади.

Суверен тенглик тамойилининг асосий максади — барча давлатларни, уларнинг иктисодий, ижтимоий, сиёсий ёки бошка хусусиятларидан катъи назар, халкаро муносабатларда юридик тенг асосларда катнашишини таъминлашдир. 1970 йил Декларациясига мувофик суверенитет тушунчаси куйидаги элементларни уз ичига олади:

- биринчидан, барча давлатлар юридик тенгдирлар;
- иккинчидан, хар бир давлат тулик суверенитетга хос булган хукуклардан фойдаланади;
- учинчидан, хар бир давлат бопща давлатларнинг хукук лаёкатини хурмат килмоги лозим;
- туртинчидан, давлатнинг худудий яхлитлиги ва сиёсий мустакиллиги дахлсиздир;
- бешинчидан, хар бир давлат узининг сиёсий, ижтимоий, иктисодий ва маданий тизимларини эркин асосларда танлаш ва ривожлантирш хукукига эгадир;
- олтинчидан, хар бир давлат узининг халкаро мажбуриятларини тулик; ва виждонан бажариши лозим.

Суверен тенглик тамойили Узбекистон Консгитупиясида эълон килинган ва бу узга давлатларнинг узига хослигини, уларнинг мустакиллиги, хукук ва эркинликларини хурмат килишни, узининг сиёсий, ижтимоий, иктисодий ва маданий тизимларини эркин асосда танлаш ва ривожлантирш хамда узининг конунлари ва маъмурий коидаларини белгилаш хукукини тан олишни кузда тутади.

## Куч ишлатмаслик ва куч билан тахдид килмаслик тамойили

Халкаро муносабатларни демократик асосларда кайта куриш мукаррар равишда куч

ишлатиш ва куч билан тахдид солишнинг чекланишига олиб келади. Биринчи бор мазкур объектив конунийлик халкаро хукук тамойили сифатида БМТ Уставида мустах.камланган. Уставнинг 2-модда 4-булимига мувофик. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари узларининг халкаро муносабатларда хар кандай давлатнинг худудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустакиллигига карши куч билан тахдид килиш ва уни куллашдан узларини тийиб турадилар».

Куч ишлатмаслик мажбурияти барча давлатлар учун тааллук.лидир, чунки халкаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш зарурияти барча давлатларнинг узаро муносабатларида ушбу тамойилга риоя килишлари лозим эканлигини талаб килмокда.

ЕХХКнинг Якунловчи хухжатида иштирокчи-давлатларнинг узаро муносабатларида «бошка иппгирокчи-давлатни мажбур килиш максадида куч ишлатишнинг хар кандай куринишларидан» хамда «хар кдндай иктисодий мажбур этиш хатти-харакатларидан узини тийиб туриш» бевосита курсатиб утилган.

БМТ Уставининг 42-47 ва 51-моддаларида куролли кучлардан конуний фойдалана олиш мумкин болтан холатлар айтиб утилган. 41 ва 50-моддаларда эса харбий булмаган кучларни конуний куллаш тугрисида суз боради. Уларда «иктисодий муносабатларни, темирйул , денгиз, хаво, почта, телеграф, радио ёки алоканинг бошка воситаларини тулик ёки кисман узиш ва шунингдек, дипломатик муносабатларни узиш» чоралари санаб утилган. БМТ Устави куролли кучларни конуний куллашнинг факат иккита холатини назарда тутади:

- биринчидан» узини мудофаа килиш максадида (52-модда);
- иккинчидан, тинчликка хавф тугилганда, тинчлик бузилган ёки боскинчилик харакати содир булганида БМТ Хавфсизлик Кенгаши карори билан (39 ва 42-моддалар).

Узини мудофаа килиш тартибида куролли кучларни ишлатиш, агар давлатга карши куролли хужум содир этилган холатдагина конуний хисобланади. БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига келадиган булсак, агар у низони хал этиш учун тавсия килинган нохарбий чораларни етарли эмас деб хисобласа, у холда «халкаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ёки тиклаш учун зарур булган хаво, денгиз ёки курукликдаги кучлар билан бундай харакатларни амалга ошириш ваколатини олади».

Халкаро муносабатларда куч ишлатишдан ёки куч билан тахдид килищцан воз кечиш тамойили томонларни бошка давлатга карши бевосита ёки билвосита куч ишлатишни ифодаловчи хар кандай харакатлардан узини тийиб туришни англатади. Бу ерда шуни эсда тутмок лозимки, БМТ Уставида (2-модда, 4-булим) таърифланган «куч» тушунчаси мазмуни нафакат куролли кучни, балки мажбурлашинг колган барча шаклларини хам кузда тутади.

**Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили**

Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили давлат миллий хавфсизлигининг энг мухим асосларидан бирини ташкил килади.

Мазкур тамойил Европада хавфсизлик ва хамкорлик буйича Кенгашнинг 1975 йилда кабул килган Якунловчи хужжатида таърифлаб берилган. Унда айтилишича, «иштирокчи-давлатлар бир-бирларига тегишли, шунингдек, Европадаги барча давлатлар чегараларини бузилмас деб хисоблайдилар ва шунинг учун улар хозир ва келажакда ушбу чегараларга нисбатан хар кандай тажовуз килишдан узларини тиядилар».

Ушбу тамойилни тан олиш хар кандай худудий даъволардан воз кечишни хам англатади.

ЕХХК иштирокчи-давлатлари Европа давлатларининг мавжуд чегараларини тан олишларини ва тасдиклашларини изхор килганлар. Ушбу тан олиш халкаро-хукукий булиб, маълум юридик окибатларга эга, хусусан уни бекор килиш мумкин эмас.

Чегаралар дахлсизлиги ва бузилмаслиги тамойилининг асосий мазмунини куйидаги уч элемент билан ифодалаш мумкин:

- биринчидан, мавжуд чегарал арни халкаро хукукка мувофик тарзда юридик белгиланган деб тан олиш;
- иккинчидан, хозирда ва келажакда дар кандай худудий талаблардан воз кечиш;
- учинчидан, ушбу чегараларга нисбатан хар кандай бошка тажовузлардан воз кечиш.

Чегаралар дахлсизлиги тамойили барча давлатларнинг худудий устунлиги ва яхлитлигини хурмат килишни хам англатади. Ушбу тамойилга мувофик давлатлар умумий чегараларнинг, шунингдек, бошка давлатларга тегишли чегараларнинг бузилмаслигини тан оладилар. Улар хар кандай давлат худудининг маълум бир кисми ёки унинг бутун худудини босиб олишга каратилган хар кандай талаб ва харакатлардан узларини тийиш мажбуриятини оладилар. Бу алохида олинган давлатлар уртасида низоли худудлар масаласи булмайди дегани эмас, бирок; чегарага дахлдор масалалар музокаралар ва халкаро хукуккд мувофик тарзда бошка воситалар ёрдамида хал этилмоги лозим. Чегаралар дахлсизлиги тамойили универсал характер касб этиб, барча кигьаларда кулланиши лозим. Бу эса уз урнида халкаро тинчликни ва хавфсизликни мустахкамлайди.

**Давлатларнинг худудий яхлитлиги тамойили**

Давлатларнинг худудий яхлитлиги тамойили БМТ Устави кабул килиниши билан уз ечимини топган. Бирок мазкур тамойилнинг номланиши охиригача уз ечимини топгани йук;. Шунинг учун хукукий адабиётларда худудий яхлитлик ва худудий дахлсизлик ибораларини учратишимиз мумкин.

БМТ Устави хар кандай давлатнинг сиёсий мустакиллиги ва худудий дахлсизлигига (яхлитлигига) карши куч ишлатиш ва куч билан тахдид килишни таъкиклайди. 1970 йилги Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги Декларацияда БМТ Уставининг 2-модда 4-булими мазмунини ёритишда бу ерда бевосита худудий яхлитлик тамойилининг узи тилга олинмаса-да, унинг купгина элементлари уз аксини топган. Хусусан, хар бир давлат:

- биринчидан, «бошка давлатнинг миллий бирлиги ва худудий дахлсизлигини бузишга каратилган хар кандай харакатлардан узини тийиб туриш керак»;
- иккинчидан, «давлат худуди Устав коидаларини бузиш оркали куч ишлатиш натижаси харбий босиб олиш объекти булмаслиги лозим»;
- учинчидан, «давлат худуди куч билан тахдид килиш ёки уни ишлатиш натижасида бошка давлат томонидан эгаллаб олиниш объекти булиши мумкин эмас».

Мазкур тамойилни ривожлантиришнинг кейинги боскичи 1975 йилги ЕХХКнинг Якунловчи хужжати булди. Ушбу хужжат худудий яхлитлик тамойилининг тулик таърифини узида ифодалаган.

**Халкаро низоларни тинч йул билан хал этиш тамойили**

Хозирги замон халкаро хукукига мувофик. давлатлар уз низоларини тинч йуллар билан хал этишлари лозим.

БМТ Уставининг 2-модда 3-булимига мувофик «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари узларининг халкаро низоларини халкаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида колдирмаслик учун тинч йуллар билан хал этадилар, яъни музокаралар, текшириш утказиш, воситачилик, яраштириш, арбитраж, судд ишни куриш, регионал органлар ёки кенгашларга мурожаат килиш ёки уз хохишига кура бошка воситалар ёрдамида» хал этадилар.

Сунгги чорак аср халкаро низоларни тинч йул билан хал этиш воситалари ахамияти ва салмогиинг усиб бориши билан характерланади.

Узбекистон Конституциясида мустахкамлаб куйилган давлатлар уртасидаги низоларни тинч йул билан хал этиш тамойили барча низоли масалалар халкларнинг конуний манфаатлари, тинчлик ва хавфсизлик хавф остида комаслиги учун халкаро хукукка мос равишда тинч усуллар билан хал этилишини белгилаб беради. 1970 йилдаги Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги Декларацияда айтилишича: «Хар бир давлат узининг бошка давлатлар билан мавжуд халкаро низоларини, халкаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида колдирмаслик учун тинч йуллар билан хал этади». Узбекистон ушбу тамойилга огишмай риоя килмокда.

## Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили БМТ Уставининг 2-моддаси 7-булимида акс эттирилган ва 1970 йилдаги Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги Декларация, ЕХХКнинг Якунловчи хужжати, давлатларнинг ички ишларига аралашишга йул куйиб булмаслик, уларнинг мустакиллиги ва суверенитетини химоя килиш тугрисидаги БМТ Резолюцияси каби халкаро хужжатларда узининг янада аник баёнини топган.

БМТ Уставининг 2-моддаси 7-булимига мувофик ташкилот уз мохияти буйича хар кандай давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларга аралашиш хукукига эга эмас». Бирок давлат худуди доирасида юз бераётган баъзи харакатлар Хавфсизлик Кенгаши томонидан факат муайян давлатнинг ички иши эмас деб бахоланиши мумкин. Масалан, агар БМТ Хавфсизлик Кенгаши маълум ходисани халкаро тинчлик ва хавфсизликка хавф тугдиради деб хисобласа, ушбу харакатга нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан амалга оширилган хатти-харакатлар давлатнинг ички ишларига аралашиш деб каралмаслиги лозим.

Аралашмаслик концепцияси давлатлар хар кандай масалаларни ихтиёрий равишда уз ваколатлари доирасига киритиб олишини англатмайди. Давлатларнинг халкаро мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг БМТ Уставидан келиб чикувчи мажбуриятлари мазкур масалаларни тугри хал этишга ёндашишда мезон булиб хизмат калади.

## Инсон хукукларини хурмат килиш тамойили

Инсон хукукларини хурмат килиш тамойили шаклланиши бевосита БМТ Уставининг кабул килиниши билан боглик Уставнинг 1-моддасида Ташкилот аъзоларининг максади сифатида «барча учун уларнинг ирки, жинси, тили ва динидан катъий назар инсон хукуклари ва асосий эркинликларини рагбатлантириш ва хурмат килишни ривожлантиришда» давлатлар уртасида хамкорлик тугрисида суз боради. Уставнинг 55-моддаси мухим ахамиятга эга. Унга мувофик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти:

- биринчидан, ахолининг яшаш даражаси юксалишига, тулик бандлигига, иктисодий ва ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларига;
- иккинчидан, инсон хукуклари ва асосий эркинликларини хурмат килишга ва риоя этишга кумаклашади.

Бу ерда давлатларнинг мажбуриятлари энг умумий шаклда баён килинган, шунинг учун давлатлар инсон хукукларини хурмат килиш тамойилининг меъёрий мазмунини аниклашга интилмокдалар. Бу вазифа 1948 йилдаги Инсон хукуклари умумжахон декларациясида ва 1966 йилда кабул килинган иккита пакт Фукаролик ва сиёсий хукуклар тугрисидаги хамда Иктисодий, ижтимоий ва маданий хукуклар тугрисидаги халкаро Пактларда тулик ва универсал тарзда бажарилган. Кайд этилган халкаро хужжатлар умумий характер касб этади, яъни инсон хукуклари ва эркин-ликларига барча давлатлар томонидан риоя килиниши лозим.

Инсон хукуклари сохасидаги давлатлараро хамкорликнинг асосий максади миллий конунчиликни бир хил килиш (унификациялаштириш) эмас, балки давлатлар учун миллий конунчиликни ишлаб чикишда бошлангич нукта вазифасини уташга хизмат килувчи стандартларни яратишдир.

Инсон хукуклари ва эркинликларини бевосита тартибга солиш ва химоя килиш аввалгидай хар бир давлатнинг ички иши булиб колмокда. Инсон хукуклари сохасидаги халкаро меъёрларнинг аксарият кисми бевосита давлат худудида кулланиши мумкин эмас. Мазкур меъёрлар имплементацияси суверен давлатдан муайян чора ва тадбирлар амалга оширилишини талаб килади.

## Халклар ва миллатларнинг уз такдирини узи белгилаши тамойили

Хар бир халк узининг ривожланиш йули ва шаклларини эркин танлай олиш хукукини сузсиз хурмат килиш халкаро муносабатларнинг асосларидан бирини ташкил килади.

Халклар ва миллатларнинг уз такдирини узи белгилаши тамойили БМТ Устави кабул килингандан сунг мажбурий меъёр сифатида ривожланмокда. БМТнинг асосий

максадларидан бири — «давлатлар уртасидаги дустона муносабатларни халкларнинг тенглиги ва уз такдирини узи белгилаши тамойили асосида ривожлантириш»дир (Уставнинг 1-модда, 2-булими). Ушбу максад Уставнинг бошка купгина коидаларида аниклаштирилган.
Уз такдирини узи белгилаш тамойили мустамлака ва тобе халклар муаммоларини хал этишда асос булиб хизмат килади, чунки мазкур тамойилнинг субъекта давлатлар эмас, балки халклар ва миллатлардир.

БМТ хужжатларида уз такдирини узи белгилаш тамойили меъёрий мазмунининг асоси ифодалаб берилган. Мисол учун, 1970 йилда кабул килинган Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги Декларацияда таъкидланишича: «Суверен ва мустакил давлатнинг тузилиши, мустакил давлатга бирладшиши ёки у билан кушилиши, ёки халк томонидан эркин белгиланган хар кандай сиёсий макомнинг урнатилиши мазкур халкнинг уз такдирини узи белгилаш хукукини амалга ошириш шакллари хисобланади».

Агар миллат мустакил давлатни яратса ёки давлатлар федерацияси таркибига кирса, уз такдирини узи белгилаши хукуки йук кетмайди. Уз такдирини узи белгилаш хукукининг субъектлари нафакат тобе давлатлар, балки суверен миллат ва халклар хам саналади. Миллий мустакиликка эришиш билан уз такдирини узи белгилаш хукуки факат уз мазмунини узгартиради, бу эса тегишли халкаро хукукий меъёрларда уз ифодасини топади.

## Давлатларнинг халкаро хамкорлих тамойили.

Давлатлар уларнинг сиёсий, иктисодий ва ижтимоий тузумидан катьи назар халкаро хамкорлик гояси БМТ Уставини ташкил этувчи меъёрлар тизимида асосий хисобланади.
Хамкорлик тамойили купгина халкаро ташкилотлар Уставларида, халкаро шартномаларда, куп сонли резолюция ва декларацияларда акс эттирилган. Мисол учун, БМТ Уставида давлатлар «иктисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халкаро муаммоларни хал этишда халкаро хамкорликни амалга оширишлари лозим»лиги мажбурияти курсатиб угилган.

Албатта, хамкорликнинг аник, шакли ва унинг хажми давлатларнинг узига, уларнинг талаб ва моддий захираларига, ички конунчилик ва улар кабул килган халкаро мажбуриятларга богликдир. Бирок, давлат максадларини ифодаловчи хукукий хуж-жатлар тахлили давлатлар хамкорлик тамойилига универсал характер беришга интилаётганликларини курсатмокда. Барча давлатлар БМТ тамойилларига мувофик харакат килишлари мажбурияти уларга турли хил халкаро муаммоларни ечишда узаро хамкорлик асосида харакат килишлари лозимлиги мажбуриятини юкламокда.

## Халкаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили

Халкаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили давлатчиликнинг илк боскичларида халкаро-хукукий одат шакли сифатида — pacta sunt servanda вужудга келди. Мазкур тамойил хозирги вактда куп сонли куп томонлама ва икки томонлама халкаро шартномаларда уз аксини топган.

Халкаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили халкаро хукук субъектлари хатти-харакатини белгиловчи умумэътироф этилган меъёр сифатида БМТ Уставида кайд этилган. Ушбу халкаро хужжат Мукаддимасида БМТ аъзолари катъийлик билан «шартномалар ва халкаро хукукнинг бошка манбаларидан келиб чикадиган мажбуриятларга нисбатан адолатли ва хурматли муносабатда була олишни таъминлашга хизмат килувчи шароитларни яратиш»ни таъкидлайдилар.

Халкаро хукукнинг ривожланиши халкаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойилининг универсал хар актерини тасдиkламокда. Халкаро шартномалар хукуки тугрисидаги Вена конвенциясига мувофик; «амалдаги хар бир шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий ва улар томонидан виждонан бажарилиши лозим».

Халкаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойилининг харакат доираси охирги йилларда сезиларли кенгайди. Буни куйидаги халкаро-хукукий хужжатларнинг таърифидан хам билсак булади: 1970 йилги Халкаро хукук тамойиллари тугрисидаги Декларация ва 1975 йилги ЕХХК Якунловчи хужжати.

# ХАЛКАРО ХУКУКДА ХУДУД ВА БОШКА МАЙДОНЛАР

- Халкаро хукукда худуд тушунчаси ва турлари
- Давлат худудининг хукукий макоми
- Давлат чегараси тушунчаси ва турлари
- Давлат чегараларини узгартириш
- Халкаро дарёлар
- Худудий низо
- Куролсизлантирилган ва бетараф худудлар
- Антарктиканинг халкаро халкаро хукукий макоми
- Денгиз майдони
- Хаво бушлиги

## Халкаро хукукда худуд тушунчаси ва турлари

Халкаро ва миллий хукукда «худуд» ибораси ердаги бошка майдонлардан маълум юза (чегара) билан чегараланган, юридик маком ва шунга мос равишда хукукий тартибга эга булган ердаги ва шунингдек, ердан ташкаридаги космик майдонни белгилаш учун кулланилади.

Ер майдонини космик майдондан ажратиб турувчи чегара Ер конфигурациясини такрорловчи ва унинг юзаси (денгиз даражаси)дан бир кадар масофада жойлашган шарсимон юза хисобланади. Ушбу шарсимон юзанинг аник баландлик даражаси хали белгилангани йук, бирок, у Ер йулдошини атмосферада жиддий тухташларсиз ва куйиб кетмасдан харакат кила олишига имконият берувчи даражада булиши лозимлигидан келиб чикилади. Бу даража 10 километрни ташкил этади.

Космик фазо (борлик)ни шартли равишда якин жойлашган, яьни Куёш тизимини ураб турувчи ва унда жойлашган осмон жисмлари хамда унинг ташкарисидаги космик майдонга булиш умкин. Космик борликни тадкик. килиш ва ундан фойдаланишга дахлдор халкаро-хукукий тартибга солиш асосан  Куёш тизими маконита тегишли.

Ер майдонининг узи, агар унинг юридик макоми нуктаи назаридан келиб чикадиган булсак, иккита катта тоифага, яъни давлат худудини ташкил этувчи хамда давлат худуди доирасидан ташкарида булган майдонга булинади.

Бундай майдонлар — давлат худуди ва давлатга тегишли булмаган худуд бир-биридан чегаралар билан ажратилади. Чегаралар хариталарда, шунингдек, (агар имконияти булса) жойларда белгиланган чизиклар ва ушбу чизиклар буйлаб ер майдонини фазо билан назарий жихатдан Ернинг маркази ер ости бойликлари туби, аслида ер остита кириш мумкин булган жойгача утувчи вертикал юза хисобланади.

Курсатилган майдон давлат ва давлатга тегишли булмаган худуд доирасидаги куруклик, сув, ер ости бойликлари ва ер юзасидаги хаво майдонини узида бирлаштиради. Уларнинг хукукий тартиби ва улардан фойдаланиш шарт-шароитлари, одатда, алохида белгиланади хамда халкаро денгиз ва хаво хукукларининг тартибга солиш предметини ташкил килади.

Демак, халкаро хукукда худуд тушунчаси остида ер шарининг турли майдонлари тушунилади. Булар: куруклик ва сув юзаси, табиий захиралар ва хаво бушлиги хамда космик майдон ва фазодаги осмон жисмлари.

Халкаро хукукда барча худудлар уз хукукий макрмининг асосий турларига караб уч гурухга:

- биринчидан, давлат худудлари;
- иккинчидан, халкаро режимга эга булган худудлар;
- учинчидан, аралаш режимдаги худудларга булинади.

Давлат худуди деб, маълум миллий давлатнинг суверенитети остида булган худудлар тушунилади. Бир томондан, ушбу худуднинг давлатга тегишлилиги ва иккинчидан, мазкур худудда ушбу давлатнинг устуворлиги — давлат худудининг асосий белгилари хисобланади. Харбий оккупация холатларида ва худуд халкаро-хукукий ижарага олинган холатларда бир

катор вактинчалик чекинишларга йул куйилиши мумкин.

Халкаро режимдаги худудлар, деганда, давлат худуди чегарасидан ташкарида булган, алохида олинганда, хеч кайси бир давлатга тегишли булмаган ва халкаро хукукка мувофик; барча давлатлар томонидан умумий фойдаланиладиган майдонлар тушунилади. Бу тур худудларга, энг аввало, очик денгиз, унинг устидаги хаво майдони хамда континенталь шельф доирасидан ташкаридаги чукур денгиз тублари киради.

Аралаш режимга эга булган худудларга континенталь шельф ва иктисодий зоналар (минтака) киради. Ушбу худудлар миллий давлатлар суверенитети остида булмайди ва давлат худуди таркибига кирмайди. Бирок, киргокбуйи давлатлари континенталь шельф ва иктисодий денгиз зонасига туташиб турувчи майдонларда фойдали казилмаларни излаб топиш ва уларни казиб олиш, ушбу худудларда табиий мухитни химоя килишга нисбатан суверен хукукларини саклаб колади. Бундай ваколатлар хажми халкаро хукук, билан белгиланади.

Антарктикада алохида халкаро-хукукий тартиб урнатилган. 1959 йилда кабул килинган Шартномага кура, Антарктика бутунлай куролсизлантирилган ва барча давлатларнинг илмий тадкикотлар утказишлари учун очик худуд деб эълон килинган. Антарктиканинг хеч бир кисми бирор давлат суверенитети остида эмас.

Космик фазо ер худудидан ташкарида булиб, унинг хукукдй макоми халкаро космик хукук. тамойил ва нормалари билан белгиланади. Хусусан, 27 январь 1967 йилда кабул килинган Космик фазони, шу жумладан, Ой ва бошка осмон жисмларини тадкш; кдлиш ва улардан фойдаланиш буйича давлатлар фаолияти тамойиллари тугрисидаги шартномага асосан белгиланган. У маълум давлат томонидан эгаллаб олиниши мумкин эмас ва барча давлатлар учун тадкикот олиб бориш ва фойдаланиш учун очикдир.

## Давлат худудининг хукукий макоми

**Давлат худуди** — ер майдони булиб, унинг доирасида давлатга хос булган худудий устуворлик амалда булади. Мазкур майдон доирасида давлат олий хокимиятни амалга оширади ва уни тасарруф килади, маъмурий асосда (бошкариш максадларидан келиб чикиб) уни ташкил этади ва унинг (бутун худудда ёки унинг кисмида) хукукий тартибни урнатади.
Давлатлар уртасида давлат худуди борасидаги узаро муносабатлари хар бир давлат учун хос булган халкаро хукукда белгиланган, хусусан, давлат суверенитетини хурмат килиш, давлатларнинг суверен тенглиги, уларнинг халкаро муносабатларда мустакиллиги, худудий яхлитлик ва дахлсизлик, хар бир давлатнинг худудий бирлиги каби императив нормалардан келиб чикадиган худудий устуворлик билан ифодаланади.

Давлат худудининг хукукий тартибини хамда миллий хукукий тартиботни урнатиш хар бир давлатнинг ички ваколатига тегишлидир.

Худудининг хукукий тартибини давлат уз ихтиёри билан белгилайди, давлат халкаро хукук ёки шартнома асосида халкаро-хукукий мажбурият олган холатлар бундан истисно саналади.

Ички давлат хукуки давлат худуди таркибига кирувчи табиий мухитни хам инобатга олади ва табиатдан фойдаланиш тугрисидаги (давлатнинг халкаро мажбуриятларини хам ифодаловчи) нормаларда, уни саклаб колишнинг зарурий шарт-шароитларини белгилайди.
Давлат худуди таркибига куруклик ва сувлар, ер ости бойликлари билан бирга куруклик ва сувлар устидаги хаво майдони киради. Уларнинг чегараси давлат чегараларини белгилайди.
Давлатнинг куруклик худуди унинг чегараси доирасидаги барча куруклик майдонларидир.
Давлатнинг сув худудини ички (миллий) сувлар ва худудий денгиз ташкил этади. 1982 йилда кабул килинган БМТнинг Денгиз хукуки тутрисидаги конвенциясига мувофик ички сувларга:

- биринчидан, денгиз сувлари, хусусан, худудий денгиз кенглигини улчаш учун кабул килинган давлат-архипелагларнинг киргокдан тугри чизик буйича жойлашган сувлари;
- иккинчидан, портлар сувлари;
- учинчидан, бугозлар сувлари, агар уларнинг киргоклари бир давлатга тегишли булса хамда 24 денгиз милясидан ошмаса, шунингдек, «тарихий» бутозлар киради.

Худудий денгиз деб, киргок, бутки денгиз сувлари кисмига айтилади. 1982 йил Конвенциясига кура, унинг кенглиги 12 денгиз милясидан ошмаслиги керак.

Куруклик ва сув ости бойликлари, улар кандай чукурликда жойлашганидан катьи назар, давлат худуди таркибига киради.

Давлатнинг хаво худудини унинг куруклик ва сув чегаралари доирасида жойлашган хаво майдони ташкил этади.

Давлат уз худуди доирасида устуворликни амалга оширади. У худудий устуворлик деб номланади ва давлат суверенитетининг таркибий кисмини ташкил этади. Давлат устуворлиги мазкур давлат хокимияти унинг худуди чегарасидаги барча шахслар ва ташкилотларга нисбатан олий хокимият эканлигини англатади.

Давлат худуди нафакат мазкур давлат хокимияти амалга ошириладиган макон булибгина колмай, балки унинг таркибий кисмлари билан бирга: куруклик ва сувлари, хаво макони ва ер ости бойликлари билан бирга табиий мухитдир.

Хеч ким давлатни унта тегишли худуд ва албатта, табиий бойликлардан махрум килиш хукукига эга эмас.

Давлат худуди, хусусан ер, ер ости бойликлари, хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ишлаб чикиш максадларида худудий сувереннинг розилигисиз фойдаланилиши мумкин эмас.

Халкаро муносабатларда уз давлати номидан иштирок этувчи давлат хокимияти ва бошкарувининг олий органлари халкаро муносабатларда худудни тасарруф килиш ваколатига эгадирлар. Бундай ваколатлар, агар улар мамлакатнинг конституциявий коидаларига тугри келсагина конуний хисобланади. Халкаро муносабатларда мазкур ваколатлардан фойдаланиш качонки улар халкаро хукукнинг асосий тамойил ва нормаларига мувофик. келса, конуний (хукукий) хисобланади.

**Давлат чегараси тушунчаси ва турлари**

Давлат чегараларининг асосий вазифаси давлат худуди доирасини белгилашдан иборат. Давлат чегараси — муайян чизик ва мазкур чизик оркали утган вертикал текисликдир.

Давлат худуди куруклик, сув ва хаво чегаралари каби турлардан иборат.

Курукликдаги чегаралар кушни давлатлар билан шартнома асосида урнатилади. Одатда ушбу чегаралар жойнинг рельефи (тоглар, дарёлар ва бошка хусусиятли белгиларни) хисобга олган холда утказилади ва орфографик чегаралар деб номланади. Баъзан чегаралар иккита нуктани бир-бирига боглаб, тугри чизик оркали (геометрик чегаралар), шунингдек, меридиан ёки параллеллар оркали (астрономик чегаралар) хам утказилади.

Сув чегаралари даре, кул, денгиз ва бошка сув хавзалари оркали утадиган чегара турларига булинади. Дарёларда чегаралар киргокбуйи давлатларининг узаро келишуви асосида урнатилади: кема катнайдиган дарёларда—тальвега буйлаб (дарёнинг энг чукур жойи оркали) ёки бош фарватери уртасидан, кема катнамайдиган дарёларда — даре уртасидан, кулларда ва бошка сув хавзаларида давлат чегараси курукликдаги чегараларни сувга чикиш нукталарини тугри чизик оркали бир-бирига боглаш билан урнатилади.

Давлатнинг денгиз чегаралари унинг худудий денгизи ташки четлари (чегаралари) ёки чегарадош ёки карама-карши ётувчи давлатларнинг худудий денгизлари чегарасини белгиловчи чизиклар хисобланади. Худудий денгизнинг ташки чегаралари киргокбуйи давлатининг конун хужжатлари билан халкаро хукукнинг умумтан олинган тамойил ва нормаларига мувофик урнатилади. 1982 йилда кабул килинган Денгиз хукуки буйича БМТ Конвенциясига кура хар бир давлат узининг худудий денгизи кенглигини 12 денгиз милясидан ошмаган даражада белгилаш хукукига эга.

Давлат хаво майдонининг ён ва юкори чегаралари давлат худудининг хаво чегаралари хисобланади. Давлат чегараларининг куруклик ва сув чизиклари буйича утадиган вертикал текислик хаво майдонининг ён чегараларини ташкил этади.

Хозирги даврда давлатнинг куруклик ва денгиз чегаралари шаклланган амалиётга мувофик чегарадош давлатлар уртасида тузиладиган шартномалар асосида урнатилади.
Куруклик чегаралари (кисман денгиз чегаралари) чизикларининг утказилиши халкаро шартномада батафсил ёритилади ва ушбу тасвирга мос равищца чизиклар холати харитага

туширилади. Давлат чегараларини шартнома асосида бундай аникланиш жараёни делимитация деб номланади. Жойларда куруклик чегаралари чизикларини аниклаш учун чегарадош давлатлар кушма комиссия тузадилар. Мазкур комиссия жойларда чегара чизикларини махсус чегара белгиларини (демаркация) урнатиш оркали белгилайди.

## Давлат чегараларини узгартириш

Давлат худудининг четлари ер майдони каби чегаралар билан белгиланади. Мазкур чегаралар давлат худудини кушни давлатлар худуди ёки уни давлат худудига тегишли булмаган бошка худудлардан ажратиб туради. Давлатнинг халкаро чегаралари деб номланадиган бундай чегаралар халкаро тан олинган ва халкаро белгиланган булиши л озим. Халкаро тан олинган давлатлараро чегаралар — утказилиши кушни давлатлар билан келишилган чегаралардир. Агар чегараларнинг утказилиш чизиклари халкаро шартноманинг таркибий кисми булмиш хариталарда белгиланган, яъни делимитация амалга оширилган хамда чегаралар демаркацияси, агар имкони жойларда белгиланган, утказилган ва чегара демаркацияси тугрисидаги баёнларда тасвирлаб берилган булса, давлат чегаралари урнатилган саналади.

Давлатнинг халкаро тан олинган ва белгиланган чегаралари унинг худудини давлат худуди хисобланмаган худуддан хам ажратиб туради (одатда бу худудий денгизнинг ташки чегаралари хисобланади). Ушбу чегаралар мазкур давлат томонидан делимитация килинган ва чегара чизикларининг угказияиши бошка давлатлар томонидан очик ёки индамай тан олинган булади, чунки бу белгиланган халкаро-хукукий талабларга жавоб беради.
Качонки давлатлар уртасидаги чегара даре чегараси булса ва унда кема катнови амалга оширилса, чегара чизиклари тальвега буйича утказилади. Юкорида айтилганидек, дарёнинг энг чукур кисмидан ёки бош фарватернинг уртасидан, акс холда дарёнинг уртасидан белгиланади. Умуман олганда кушни давлатларнинг узаро келишувига мувофик; бошкача тартибда хдм булиши мумкин.

Даре чегараларининг хукукий тартиби хам манфаатдор давлатлар томонидан узаро келишув асосида белгиланиши мумкин.
Хозирги замон халкаро хукукига мувофик; чегараларни икки асосга кура:

- биринчидан, халклар ва миллатлар томонидан уз такдирини узи белгилаш хукукини амалга оширишлари натижасида (бу холатда давлатларнинг булиниши ёки кушилиши юз беради ва табиийки, унинг окибатида янги давлат чегараларини урнатиш ёки бекор килишга зарурият тугилади);
- иккинчидан, чегарадош давлатлар уртасида унча катта булмаган худудларни алмашишлари натижасида узгартириш мумкин.

## Халкаро дарёлар

Икки ёки бир неча давлатлар худудини кесиб угадиган ёки ажратиб турадиган дарёлар халкаро дарёлар тоифасига киради. Баъзан уларни хам бевосита халкаро дарёлар, яъни денгизга чикиш йули мавжуд булган, ундан фойдаланишда эса барча давлатлар ёки киргокбуйи давлатларидан ташкари бу тоифага кирмайдиган давлатлар хам манфаатдор булган ва купмиллатли дарёлар, фойдаланишда факат киргокбуйи давлатлари манфаатдор булган дарёлар каби турларга булиш максадга мувофикдир.

Одатда, халкаро дарёга нисбатан киргокбуйи давлати (баъзан кенгрок; ахамиятга эга булган «халкаро очик сув окимлари иибораси ишлатилади) уз ихтиёри билан мазкур дарёнинг унинг худуди доирасидаги кисми хукукий тартибини белгилайди. Шу билан бирга халкаро хукукка мувофик. давлат уз худудининг табиий шарт-шароитларини, агар бу узга давлат хуудуди табиий шарт-шароитларига зарар келтирадиган булса узгартириши мумкин эмас. Шунинг учун, халкаро даре кисмининг унинг худудидан окиб утувчи сувдан фойдаланувчи киргокбуйи давлати бошка мазкур даре сувдан фойдаланувчи давлатга зарар етказиши ёки дарёнинг унга тааллукли кисмидан тегишли тарзда фойдаланишига тускинлик килиши мумкин эмас. Бошкача айтганда, мазкур холатда киргокбуйи давлатларининг хукук ва мажбуриятлари узаро боглик ва бу уз навбатида халкаро дарёлар сувдан фойдаланишни халкаро-хукукий тартибга солиш заруриятини тугдиради.

Бирок бу сохада умумий халкаро хуукук даражасида хатто намунавий келишувни хам ишлаб чикишнинг имконияти йук, чунки, биринчидан, купгина (орол ва архипелаг) давлатлар худудида халкаро дарёлар умуман мавжуд эмас; иккинчидан, хар бир шу каби дарёнинг хисобга олиниши лозим булган шарт-шароити шу кадар турли-туманки, уларни окилона умумлаштирипшинг иложи йук.

Халкаро дарёлардан фойдаланишни халкаро-хукукий тартибга солиш киргокбуйи давлатлари томонидан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Бу каби шартномаларда, агар киргокбуйи давлатлари томонидан максадга мувофик деб топилса, киргокбуйида жойлашмаган давлатларнинг хам конуний манфаатлари хисобга олиниши мумкин.

Халкаро даре тушунчаси уни ташкил этувчи сувларга нисбатан мохиятан аниклик киритилишини талаб килади.

- Биринчидан, дарёнинг бошидан ёки уни бошка нуктасидан даре куйилиши жойигача;
- иккинчидан, узида дарёнинг барча ирмокларини бирлаштирувчи даре хавзасини куриб чикиш;
- учинчидан, даре тизимидан келиб чикиб, уни озиклантирувчи сув ости ва сув усти сувларини инобатга олиш мумкин.

Даре юк.ориси ва куйида жойлашган давлатлар манфаатлари хам бир-биридан жиддий фарк. килади. Таъкидлаб угилган ва бошка купгина омиллар натижасвда халкаро дарёлардан фойдаланишни хукукий тартибга солишга эришиш — куп саъй-харакатни талаб килувчи, манфаатдор давлатлар уртасида катор низоларни келтириб чикарувчи фаолият хисобланади.

## Худудий низо

Худудий низо давлат худудининг у ёки бу кисмини юридик тааллуклилигини белгиловчи халкаро хукук (шартнома ёки одат) нормаларининг мавжудлиги ёки харакатига нисбатан томонларнинг турли (бир-бирвдан фарк килувчи) нуктаи назарларининг мавжудлигвдан келиб чикади. Бу холатда шу нарсани таъкидлаш лозимки, худудий низони тан олиш хали юридик тааллуклилиги тугал белгиланмаган маълум худуднинг мавжуд эканлигини тан олиш билан баробардир.

## Куролсизлантирилган ва бетараф (нейтрал) худудлар

**Куролсизлантирилган худуд** — давлат худудининг шундай худудики, мазкур давлат ушбу худудда мудофаа иншоотлари ва истехкомларни куриш, куролларнинг маълум турларини жойлаштириш хамда куролли кучларни кискартириш ёки эга булмаслик (халкаро) мажбуриятини олади. Бундай худудлар халкаро битимлар (шартномалар) асосида манфаатдор давлатлар томонидан узаро хавфсизликни мустахкамлаш максадида яратилади.

Тулик куролсизлантирилган худуднинг элементлари: мавжуд мудофаа иншоотларини тугатиш ва янги курилаётганларини такиклаш, ушбу худудларда полиция кучларидан бошка куролли кучларни саклаб туришни такиклаш. Шунингдек, куролсизлантирилган худудда харбий материалларнинг ишлаб чикарилиши ва олиб кирилиши, харбий самолётларнинг учиб утиши хам такикланиши мумкин. Умуман ушбу йуналишда амалга ошириладиган барча харакатлар давлат худудининг мазкур кисмини харбий максадларда фойдаланишининг олдини олишга каратилган.

Кисман куролсизлантириш одатда янги харбий иншоотларни куришни такиклаш, ушбу худудда жойлашган куролли кучлар сонини ва куроллар турлари ва кудратини чеклашга каратилгандир. Маълум худудни бетараф деб эълон килиш деганда давлат худудининг мазкур кисмида харбий харакатларни амалга ошириш ёки ундан харбий харакатлар учун таянч сифатида фойдаланиш таъкикланади. Давлат худудининг маълум кисмини бетараф килиб куйиш давлатнинг харбий харакатлар бошланганда бетараф булиб колишини англатмайди. Бирок, харбий харакатлар театридан бетараф килинган худуд истисно булиши лозим.

Бир вактнинг узида маълум худудни бетараф килиб белгилаш ва куролсизлантириш мухим ахамият касб этади.

Халкаро муносабатлар амалиётида куролсизлантирилган ва бетараф килиб белгиланган худудлар асосан чегара худудлари, халкаро канал ва бугозлар, ороллар, шунингдек, алохида олинган шахарлардан иборат булади.

## Антарктиканинг халкаро-хукукий макоми

Антарктиканинг калин муз билан копланган ушбу китъанинг унга туташиб турувчи сув ва оролларнинг алоихда халкаро-хукукий макоми XX аср бошида бир катор давлатлар томонидан у ёки бу асосларда ушбу худуднинг алохида туманларига нисбатан уз суверенитетини эълон килишлари ва бунинг натижасида давлатлар уртасида низолар ва куролли тукнашувлар келиб чикиши билан боглик.

Бундай холатнинг истикболи йуклиги ва инсониятнинг умумий манфаатлари йулида Антарктикани урганиш ва ундан фойдаланишга каратилган халкаро хамкорликнинг жадал ривожланиши унинг алохида халкаро-хукукий макомини ва худуди тартибини белгилашни талаб килди. 1959 йилда Антарктика буйича халкаро конференция чакиридди. Ушбу конференция Антарктика тугрисидаги Шартномани ишлаб чикди. Дастлаб мазкур шартнома катнашчилари 12 та давлатдан иборат эди. Бугун унинг катнашчилари сони 40 дан ортикдир. Ушбу Шартнома асосида кейинчалик Антарктика хукукий холатини тартибга солувчи, хусусан, Антарктика захираларидан фойдаланиш борасида шартномалар тузилди.

1959 йилда кабул килинган шартнома икки асосий холатдан келиб чикади:

- биринчидан, у кандайдир давлатнинг Антарктика худудининг бирор кисмига нисбатан суверенитетини тан олмайди ва шу билан бирга мавжуд худудий даъволарни инкор хам этмайди (мазкур шартнома бундай даъволарни «тухтатиб куйган»);
- иккинчидан, шартнома давлатлар халкаро хамжамияти маслагидан келиб чикиб, Антарктика факат тинч максадларда фойдаланиши лозимлигини белгилайди.

Шунга мувофик Антарктиканинг тулик куролсизлантирилганлиги ва бетарафлиги бегиланган.

Антарктикада илмий ва узга тадкикртлар олиб бораётган станция ва экспедиция аъзолари уни жунатган давлат юрисдикцияси остида булади, станция ва экспедициялар уртасида улар ходимлари алмаштирилганда хам бу холат сакланиб колади.

## Денгиз майдони

Хозирги замон денгиз хукуки маълум халкаро-хукукий меъёрлар мустакил тизими сифатида 1982 йилда кабул килинган Денгиз хукуки буйича БМТ конвенциясида кодификация килинган. Унда барча денгиз майдонлари, шу жумладан, денгиз ва океанлар туб ива табиий бойликлари, уларнинг устидаги хаво бушлиги хукукий макоми ва хукукий тартиби белгилаб берилган. Ушбу универсал кодификация килинган Конвенция матни, иштирокчи-давлатлар томонидан консенсус асосида Денгиз хукуки буйича III Конференцияда ишлаб чикилган булиб, денгиз майдонла-ридан тинч максадларда ва инсоният фаровонлиги учун фойдаланиш ва уни тадкик килишни тартибга солувчи кенг куламдаги халкаро-хукукий нормаларни кодификация килиш ва ижобий (прогрессив) ривожлантиришнинг ёркин мисолидир. Конвенция икки турдаги, яъни:

- биринчидан, киргокбуйи давлатлари худуди таркибий кисмини ташкил этувчи хамда;
- иккинчидан, давлатлар юрисдикцияси доирасидан ташкарида жойлашган денгиз майдонлари хукукий макоми ва хукукий тартибини белгилайди.

Маълум бир давлат суверенитети остида булмаган бу каби майдонлар халкаро майдонлар ёки умумий фойдаланиш майдонлари хисобланади.

Уларнинг хукукий тартиби давлатлар ва баъзи тегишли ваколатга эга булган халкаро ташкилотлар (хусусан, Европа Иттифоки) томонидан келишилган булиб, Конвенция коидаларида уз ифодасини топган булади. Умуман олганда бу каби тартиб халкаро денгиз майдонидан фойдаланувчи барча давлатлар учун урнатилган. Бирок; халкаро денгиз майдонларининг баъзи кисмлари хукукий тартибини урнатишда киргокбуйи давлатлари ва ушбу давлатларнинг алохида манфаатлари хисобга олинади. Шундан келиб чикиб бу турдаги

майдонлар учун алохида хукукий тартиб белгиланади.
Халкаро денгиз майдони таркибида:

- (худудий денгизга) туташиб турувчи зона;
- алохида иктисодий зона;
- континенталь шельф каби кисмлар мавжуд. Ушбу иборалар мохияти ва уларнинг хукукий тартиби Конвенцияда аниклаб бе рилган.

Денгиз хукукига тааллукли бошка мухим тушунчаларга «очик денгиз» тушунчаси киради. Очик денгиз хукукий тартибини ташкил этувчи энг мухим кисмлардан бири «очик денгиз эркинлиги» ибора-тушунчаси билан ифодаланувчи тартиб хисобланади.
Денгиз ва океанларни тинч максадларда, шу жумладан, урганиш, химоя килиш ва денгиз мухитини саклаш максадларида фойдаланишни тартибга солишнинг энг мухим халкаро-хукукий асослари шулардан иборат.

### Хаво бушлиги

Хаво ер бушлиги халкаро хукукка мувофик икки турдаги майдонни, яъни:

- биринчидан, давлат худудининг таркибий кисми хисобланган майдонларни;
- иккинчидан, давлат худуди чегарасидан ташкарида жойлашган майдонларни уз ичига олади.

Биринчи турга кирувчи хаво майдони юридик макоми — маълум давлат суверенитети (мутлак юрисдикцияси) остидаги майдон хисобланади. Давлат мазкур майдон хукукий тартибини халкаро-хукукий нормалардан келиб чикувчи халкаро мажбуриятларни инобатга олган холда белгилайди.

Давлат худуди чегаралари ташкарисидаги хаво майдони, бошкача айтганда, халкаро хаво майдони — юридик макоми маълум давлатнинг суверенитети (мутлак юрисдикцияси) остида булмаслиги жихати билан характерланади. Шунга мувофик, бу майдон барча давлатлар ва уларнинг фукаролари учун тадкикотлар олиб бориш ва тинч йулларда фойдаланиш учун очикдир.

***6 маъруза***

## ХАЛКАРО ХУКУКДА АХОЛИ

- Халкаро хукукда ахоли тушунчаси.
- Халкаро хукукда фукаролик.
- Фукароликка эга булиш ва уни йукотиш усуллари.
- Икки фукаролик ва фукаросизлик.
- Халкаро хукукда кочоклар.
- Халкаро хукукда кучирилган шахслар.
- Чет эл фукароларининг хукукий макоми.
- Давлатга кириш ва увдан чикиб кетиш тартиби.
- Сиёсий бошпана тушунчаси ва уни берилиши окибатлари.

### Халкаро хукукда ахоли тушунчаси

«Ахоли» атамаси халкаро хукукда у ёки бу муайян давлат худудида уша вактда яшаб турган шахслар мажмуи тушунилади. Хар кандай давлатнинг ахолиси куйидаги уч категориядан:

- биринчидан, ушбу давлат фукароларидан;
- иккинчвдан, чет элликлардан;

- учинчидан, фукаролиги булмаган шахслардан ташкил топади.

Бундан ташкари айрим урта категориялар (масалан, икки фукароликка эга булган шахслар) хам мавжуд.

Ахолига бевосита ва билвосита тааллукли булган, хусусан, фукаролик, жиноятчини ушлаб бериш, инсон хукуклари, чет эллик фукароларнинг режими масалалари буйича катор халкаро хукук нормалари, шартномавий ва одат нормалари мавжуд.

**Халкаро хукукда фукаролик**

Фукаролик — жисмоний шахсни давлат билан, уларни узаро хукук ва мажбуриятлари мажмуида акс эттириладиган баркарор хукукий алокаларидир.

Фукаролик масалалари асосан давлатнинг ички конунчилиги билан тартибга солинади.

Фукаролик — давлатчилик билан узвий боглик булган тушунча. Фукаролик тугрисидаги конуннинг йуклиги фукароликнинг узи йуклигини англатмайди. Бинобарин, хар бир давлат бу борада мустакил иш куради, шу боис турли давлатларнинг фукаролик тугрисидаги конунларининг тукнашуви (коллизияси) мукаррардир.

Бундай коллизияларни бартараф килиш ёки олдини олиш учун давлатлар купрок халкаро шартномалар тузади, яъни халкаро хукукнинг тегишли нормаларини ишлаб чикади.
Фукароликка эга булиш ва уни йукотиш усуллари

Фукароликка эга булиш йули икки катта гурухга булинади: биринчи гурух — умумий тартибда фукароликка эга булиш усулини камраб олади; иккинчиси — истисно тарикасида фукароликка эга булишдир.

Умумий тартибда фукароликка эга булиш усули миллий давлатлар конунчилиги учун озми-купми одатий ва баркарор коида хисобланади. Уларга фукароликка эга булишнинг куйидаги усуллари киради:

- биринчидан, тугилиш натижасида;
- иккинчидан, натурализация (фукароликни кабул килиш) натижасида;
- учинчидан, инъом этиш натижасида.

Фукароликка истисно тарикасида:

- биринчидан, гурух булиб фукароликка эга булиш ёки жамоа билан натурализация;
- иккинчидан, оптация ёки фукароликни танлаш;
- учинчидан, реинтеграция ёки фукароликни тиклаш йули билан эга булиш мумкин.

Тугиишдан фукароликка эга булиш — фукароликка эга булишнинг энг оддий тартибидир. Давлатларнинг миллий конунчилиги ушбу масала буйича икки тамойилдан: кон хукуки (jus sanguinis) ёки тупрок хукуки (jus soli)дан бирига асосланади. Юридик адабиётларда кон хукуки асосида фукароликка эга булишнинг келиб чикиши асосида фукароликка эга булиш деб дам юритилади. Кон хукуки шахс тугилган жойидан катьи назар, ота-онасининг фукаролигига эга булишини билдиради; тупрок хукукида — шахс ота-онасининг фукаролигидан катьи назар, кайси давлат худудида тугилган булса, уша давлат фукаролигига эга булади. Куп давлатлар кон хукукига риоя киладилар. Узбекистон Республикаси конунчилиги хам асосан кон хукукига асосланади.

**Натурализация (илдиз отиш)** — манфаатдор шахснинг илтимосига кура якка тартибда фукароликка кабул килишдир. Узбекистон Республикаси конунчилигида бундай атама кулланилмаган, лекин бу тушунча халкаро хукук назариясида умум эътироф этилган.
Натурализация — ихтиёрий актдир. Мажбурий тарзда натурализация ккшиш халкаро хукукка хилоф булиб, уни амалга оширишга карши доимо норозилик нотаси эълон килинади.
Инъом этиш натижасида олинган фукаролик натурализациядан фаркли уларок доимо ваколатли давлат хокимиятининг та-шаббуси билан давлат олдидаги алохида хизматлари учун берилади.

**Оптация (фукароликни танлаш)** хар доим хам фукароликка эга булиш йули сифатида курилмайди. Масалан, икки фукаролик тугрисидаги конвенцияларда оптация имкониятлари кузда тутилади. Агар бирон-бир миллий давлатнинг фукароси бир вактнинг узида хорижий давлат фукаролигига хам эга булса, унга иккисидан бирини оптация килиш,

шу билан иккинчисидан воз кечиш хукуки берилади. Бу холатда фукароликка эга булинмайди, чунки оптацияда фукароликнинг биридан махрум килишга олиб келади.
Истисно тарикасида фукароликка эга булиш усулидан бири — реинтеграция ёки фукароликни тиклашдир.

Айрим мамлакатларда фукароликни тиклаш масалалари фукаролик тугрисидаги махсус конунда эмас, балки умумий конунчиликда кузда тутилган. Бу холатда фукароликка тиклаш фукароликка эга булишнинг мустакил усули сифатида хизмат килмайди, балки соддалаштирилган натурализация хисобланади.

Фукароликни йукотишга келсак унинг уч шакли:

- биринчидан, фукароликни автоматик равишда йукотиш;
- иккинчидан, фукароликдан чикиш;
- учинчидан, фукароликдан махрум килишни курсатиш мумкин.

Фукароликни автоматик равишда йукотиш факат халкаро битимларда ва махсус конунларда учрайди.

Фукароликдан чикиш — манфаатдор шахснинг илтимосига кура чикариладиган давлатнинг ваколатли органлари карори асосида фукароликни йукотищдир.

Фукароликдан махрум килиш уз ичига жазолаш элементини олади ва давлат органлари ташаббуси билан ушбу давлатга душманлик фаолиятига аралашган шахсларга нисбатан кулланилади.

**Икки фукаролик ва фукаросизлик**

Бир шахсда икки ёки ундан ортик давлат фукаролигига эга булиш имконияти мавжуд. «Икки фукаролик» атамаси куп фукаролик (уч фукаролик ва хоказо)ни хам камраб олади. Икки фукаролик турли давлатларнинг фукаролик тугрисидаги конунлар коллизияси окибатида, масалан, тупрок ва кон хукукига асосланган конунларда вужудга келади.

Узбекистон Республикасининг фукаролик тугрисидаги конунига мувофик, Узбекистон фукароси бошка давлат фукаролигига эга булиши мумкин эмас.

Икки фукаролик муайян салбий окибатларни келтириб чикаради. Уларнинг ичида куйидагиларни алохида курсатиб утиш мумкин:

- биринчидан, икки фукароликка эга булган шахсларга дипломатик химоя курсатиш билан боглик окибатлар;
- иккинчидан, икки фукароликка эга булган шахсларнинг харбий хизматни уташи билан боглик булган окибатлар.

Икки фукаролик масалаларига багишланган халкаро шартномаларнинг икки тури мавжуд.

Булардан биринчиси — икки фукаролик окибатларини бартараф кдлишга каратилган шартномалар (Дипломатик химоя курсатиш ёки харбий хизмат билан боглик);
иккинчиси — икки фукаролик тугрисидаги шартномалар — икки фукароликни йук килишга каратилган шартномалардир.

**Фукаросизлик** — шахснинг бирон-бир миллий давлатнинг фукаролигига мансуб эмаслигидир. Фукаросизлик мутлак ва нисбий булиши мумкин.
Фукаросиз шахслар (апатридлар) хукуксиз булмаслиги керак. Умуман уларнинг хукукий макоми улар яшаётган давлатнинг ички конунлари билан белгиланади. Узбекистонда фукаросиз шахсларнинг макоми чет эллик фукароларнинг макомига тенглаштирилган. Бунда факат бир истисно мавжуд, яъни уларга чет эл дипломатик ваколатхоналари ёрдам курсатишга хакли эмас. Улар чет эл фукаролари каби харбий мажбуриятга ва сайлов хукукларига эга эмаслар. Фукаросиз шахсларга хам чет эл фукаролари сингари айрим касбий чеклашлар кулланилади.

Узбекистон ички чора-тадбирлар билан чекланиб, фукаросиз шахсларга таллукли бирон-бир халкаро шартномада катнашгани йук. Масалан, Узбекистоннинг фукаролик тугрисидаги конунига мувофик, Узбекистон худудида тугилган фукаросиз шахснинг фарзанди Узбекистан Республикаси фукароси хисобланади.
Ички конунларда кандай хужжатлар ва омиллар шахснинг у ёки бу давлат фукароси эканлигининг исботи булиб хизмат килишини белгилайди. Узбекистан Республикасининг Фукаролик тугрисидаги конунига мувофик фукароликни тасдикловчи хужжат аввало

паспорт, паспорт олгунга кадар турилганлик тугрисидаги гувохнома хисобланади. Куп хорижий мамлакатларда судда фукароликни аниклаш процедураси мавжуд.

## Халкаро хукукда кочоклар

Кочоклар — таъкиб остида, харбий харакатлар ёки бошка фавкулотда холатлар натижасида доимий яшаб турган мамлакатини ташлаб чиккан шахслардир.

Кочоклар муаммоси катор халкаро шартномалар билан тартибга солинади. БМТ доирасида кочоклар муаммосини ечишга ёрдам бериш учун Кочоклар иши буйича Бош Комиссариат Бошкармаси (КБКБ) ташкил килинган. 1951 йил 28 июлда эса куп томонлама Кочоклар макоми тугрисида Конвенция кабул килинган.

1966 йили Бош Ассамблея конвенцияга баъзи узгартиришлар киритишни назарда тутадиган кочоклар макомига тааллукли Протоколни маълумот учун кабул килди. «Кочоклар» атамаси табиий офат окибатида уз мамлакатини ташлаб чикканларга нисбатан кулланмайди.

Конвенция ва КБКБ Устави «кочок.» шахслар тушунчасига дини, фукаролиги, муайян гурухларга кириши ёки сиёсий кара-ши окибатида таъкиб килинишига тула асосли хавф остидаги аввал фукароси булган мамлакатдан ташкарида яшовчи ва мазкур мамлакат хукумати химоясидан фойдалана олмайдиган ёхуд бундан химоядан фойдаланишни истамайдиган шахсларни киритади. Улар купинча de facto фукаролиги йук шахслар деб аталади, чунки уларнинг сиёсий макоми фукаролиги йук шахсларнинг сиёсий макомидан хеч нарса билан фарк килмайди.

Сиёсий кочоклар категориясига тегишли булиш сиёсий бошпана олишга даъвогарлик килишга асос сифатида каралиши мумкин. Бирок, ушбу масаланинг пировард натижаси кочоклар турган давлатнинг конунчилиги ва сиёсатига богликдир.

Кочоклар муаммосини турли омиллар таъсири (кочокларнинг ижтимоий ва миллий таркиби, уларни уз юртини ташлаб чикишга мажбур килган сабаблар ва бошкалар) остида ягона тартиб билан хал килиш мумкин эмас. БМТнинг баъзи органларида ахолининг оммавий кетиши ёки келиши (mass exodus) тугрисидаги масалани инсон хукукларини поймол килиш билан боглаб бир неча маротаба кутариб чикилган. «Оммавий кетиш (келиш)» тушунчаси кочоклар муаммосини ва ахолининг иктисодий миграция муаммосини сезиларли даражада бирлаштиради.

## Халкаро хукукда кучирилган шахслар

Кучирилган шахслар — иккинчи жахон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган худудлардан мажбурий тарзда кучириб кетилган шахслардир.

Собик Совет Иттифоки катор давлатлар билан совет фукароларидан иборат кучириб кетилган шахсларни репатриация килиш тугрисида битим тузган. 1951 йилдаги Кочоклар макоми тугрисидаги Конвенцияда «кучирилган шахслар» атамаси учрамайди.

Сунгги йилларда КБКБ амалиётида айрим «ички» кочоклар категориясига, яъни уз мамлакатининг бирон-бир кисмидан ихтиёрига карши ташлаб кетиб бошка бир кисмида яшаётган шахсларга нисбатан куллаш тенденцияси кузга ташланади. Баъзан уларни «мажбурий кучирилганлар» деб аталади.

## Чет эл фукароларининг хукукий макоми

Чет элликларнинг икки тушунчаси мавжуд.

Улардан бири умумий назарий ахамиятга эга. Чет эллик — хар кандай давлат худудида турган, ушбу давлат фукаролигига эга булмаган ва бошка давлат фукаролигига мансуб булган шахс.

Иккинчи тушунча одатда ички давлат хукукида учрайди. Бу муайян амалий ва ички ахамият касб этади, чунки у ёки бу давлатда кандай шахслар чет эллик деб хисобланишини белгилайди.

Иккинчи турдаги тушунчанинг таърифи куйидагича: чет эл фукароси сифатида келган давлатининг фукароси булмаган, бошка давлат фукаролигига мансублиги тугрисида исботга

эга булган шахслар чет эл фукаролари деб тан олинади.

«Чет эллик» атамаси урнига «чет эл фукароси» атамасининг кулланиши тугрирокдир, чунки купгина давлатларнинг конунчилигида «чет эллик» атамаси кенгрок маънода кулланилади ва фукаролиги булмаган шахсларни хам камраб олади.

Чет эллик фукаролигига эга булган давлатнинг дипломатик химоясидан фойдаланишга хакли.

Гарчи чет эллик бошка давлат худудида конунга зид равишда келган булса, унда мазкур давлат ушбу чет эл фукаросини гайриконуний равишда давлат худудига киргани учун жавобгарликка тортиши ва худудидан мажбуран чикариб юбориши мумкин.

Миллий режим чет элликларни у ёки бу сохада уз фукаролари билан тенглаштирилишини англатади.

Чет элликларнинг куйидаги режимлари мавжуд:

- биринчи режим: бирмунча яхширок режим булиб, ушбу давлат худудидаги энг макбул хукукий холатда булган хар кандай учинчи давлат фукароси учун назарда тутилгани сингари чет элликларга бирон-бир сохада шундай хукуклар бериш ва мажбуриятлар урнатишни билдиради.
- иккинчиси: махсус режим булиб, у чет элликларга бирон-бир сохада шундай хукуклар бериш ва мажбуриятлар урнатишни билдирадики, бунда уз фукаролари учун белгиланган тартибдан бирмунча фарк, килади (масалан, чегара олди туманларида яшовчи фукаролар учун чегарадан утишнинг соддалаштирилган тартибини урнатиш).

Махсус режим салбий характерда, яъни факат чет элликлар учун белгиланган хукукий чеклашлар мажмуидан иборат булиши хам мумкин.

Чет элликларнинг хукукий холати одатда чет элликларнинг ушбу давлат худудидаги хукук ва мажбуриятларининг мажмуини билдиради.

Халкаро хукук нуктаи назаридан чет эллик фукаро холатининг мураккаблиги шундаки, у кандайдир икки томонлама — худудий жихатдан кайси давлатда турган булса, уша давлатнинг хукукий тартибот коидаларига буйсунади ва бир вактнинг узида шахсий жихатдан фукаролигига мансуб булган давлатнинг конунларига буйсунади. Бу борада, агар уз давлати конунчилиги билан худудида турган давлатнинг конунчилигида кандайдир зиддиятлар булса, маълум кийинчиликлар вужудга келиши хам мумкин. Бундай холатда курсатиб угилган асосларнинг ракобати юзага келади.

Чет эллик (уз давлатининг конунларида назарда тутилган) хукукларидан фойдаланиши ва мажбуриятларини бажариши мумкин, факат худудида турган давлатнинг суверенитетига, унинг хавфсизлигига зид келмайдиган даражада йул куйилиши мумкин. Бошка томондан давлат чет элликлар режимини урнатишда халкаро хукукнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрларини бузмаслиги лозим.

Халкаро хукукнинг чет элликлар режимига киладиган таъсирининг энг мухим жихатлари:

- биринчидан, чет элликларнинг сиёсий хукукларида;
- иккинчидан, чет элликларнинг харбий хизматида;
- учинчидан, чет элликларнинг келиши ва кетишини тартибга солишда
- туртинчидан, чет элликларга нисбатан давлатнинг жиноий юрисдикциясининг чегарасини белгилашда;
- бешинчидан, дипломатик химояда куринади.

Баъзан чет элликлар бошка давлат худудида кандай даражада сиёсий хукуклардан фойдаланиши мумкин, деган савол турилади. Бу уринда суз аввало сайлов хукуки хусусида боради: одатда чет элликлар бундай хукуклардан фойдалана олмайдилар.

Бошка сиёсий хукукларга келсак, унинг даражаси уша давлатнинг конунлари билан белгиланади.

Чет элликлар харбий мажбуриятга эга булмайдилар, акс холда бу халкаро хукукнинг бузилишига олиб келади. Бунда чет эллик уз ихтиёрига хилоф равишда уз юртига карши курол кутариши мумкин булган вазиятга тушиб колиши мумкинлигидан келиб чикилади. Бундан ташкари айрим тоифадаги чет элликларни мажбурий харбий хизматга жалб килиш манфаатдор давлатларнинг эътирозини билдирмайдиган холатлар хам учраб туради.

Чет эл армиясида уз ихтиёри билан хизмат килиш халкаро хукукка хилоф эмас. Тугри, айрим пайтларда чет эл армиясида хизмат килган фукаролар уз давлати томонидан жавобгарликка

тортилиши мумкин.

**Давлатга кириш ва ундан чикиб кетиш тартиби**

Хозирги даврда деярли барча давлатларда уз фукаролари ва чет элликларга хам кириш ва чикишнинг рухсат этилган тартиби мавжуд. У баъзан бирмунча халкаро хукукка мувофик равишда соддалаштирилган.

Давлат худудига кириш ва чикишга рухсат этиш тартиби, давлатга кириш ва чикиш вактида давлат уз фукароси хамда чет эл фукаросини бу борада чеклаши мумкинлигини хам назарда тутади. Халкаро-хукукий сохада давлатнинг уз фукароси билан чет эл фукаросини давлат худудига кириш ва чикиш тартибида жиддий фарклар мавжуд. Бундай коидалар ички давлат хукукида хар доим хам уз ифодасини топмайди, давлатларнинг ташки алокалари борасида мазкур коидалар халкаро хукукнинг умум эътироф этилган тамойиллари билан белгиланади.

Юкоридаги коидадан фаркли уларок агар чет эл фукароси бошка давлат худудидан чикиб кетишни истаб мурожаат килса, тегишли давлат органлари мунтазам равишда унта рад жавобини бериш мумкин эмас. Агар мазкур шахснинг иши судда курилаётган ёки тергов олиб борилаётган ёхуд чет эллик фукаролигига мансуб булган давлат билан ушбу давлат уруш холатида булса, чет эл фукаросига давлат худудидан чикиб кетишига рад жавобини бериш узрли сабаб сифатида тан олиниши мумкин.

Агар сиёсий бошпана бериш асослари давлатнинг миллий конунчилигидан келиб чикадиган булса, давлатларнинг муайян тоифадаги шахсларга бундай бошпана бермаслик мажбурияти эса халкаро хукук нормалари (шартнома принциплари ва одат нормалари)да белгиланган.

**Сиёсий бошпана тушунчаси ва унинг берилиши окибатлари**

Сиёсий бошпана беришнинг асосий халкаро-хукукий окибати бундай бошпана берилган шахсни давлат томонидан бермаслик мажбурияти хисобланади.

Сиёсий бошпана бериш билан бирон-бир шахсга маълум бир давлат худудида доимий яшашга рухсат беришни фарклаш лозим. Зеро, иккинчи холатда давлат хеч кандай халкаро-хукукий мажбурият олмайди.

Купинча сиёсий бошпана олишга уз давлатида сиёсий жиноятчи хисобланган шахс даъвогар булади. Бу борада куп низолар келиб чикади. Худуди й бошпана тугрисидаги декларацияда мустахкамланган тамойилга кура пировардида мазкур масала бошпана берган давлат томонидан хал килинади.

Умумий жиноят содир килган шахсларга сиёсий бошпана берилмаслиги лозимлиги тугрисидаги коидалар умумэътироф этилган коида хисобланади.

Сиёсий бошпана беришнинг иккинчи халкаро-хукукий окибати шундан иборатки, бирон-бир шахсга сиёсий бошпана берган давлат ушбу шахснинг хукуклари хорижий давлатларда бузилган такдирда квазидипломатик химоя курсатиш хукукига эга булади.

Сиёсий бошпана беришнинг учинчи окибати бирон-бир шахсга бошпана берган давлат мазкур шахснинг фаолияти учун жавобгар булади. Бошкача суз билан айтганда, бошпана берган давлат бундай шахслар томонидан кочиб чиккан давлатига нисбатан жиноий хатти-харакатлар килишига йул куймаслиги шарт.

Бевосита халкаро хукук нормалари асосида шахсга бошпана хукуки берилмайди. Шахснинг бундай хукуклари ички давлат хукукида уз аксини топади. Халкаро хукук нормалари факат давлатларнинг муайян тоифадаги шахсларга бошпана бериш хукукини ва бошка давлатларнинг мазкур хукукни хурмат килиш мажбуриятини мустахкамлайди.

Агар сиёсий мухожир (эмигрант)ни бошпана кидиришга мажбур килган вазият баргараф килинса ёки сиёсий мухожир бошпана берган давлатда натурализация килган булса, сиёсий бошпана тугатилади.

***7 маъруза***

## ХАЛКАРО ХУКУКДА ЖАВОБГАРЛИК

- Халкаро хукукда жавобгарлик тушунчаси
- Халкаро-хукукий жавобгарлик турлари ва шакллари
- Халкаро-хукукий жавобгарликнинг келиб чикиш асослари ва уни амалга ошириш
- Халкаро жиноят тушунчаси
- Халкаро жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги
- Халкаро жиноят содир этган халкаро ташкилотларнинг жавобгарлиги

### Халкаро хукукда жавобгарлик тушунчаси

Жавобгарлик — халкаро хукукнинг энг кадимий институтларидан биридир. Бирок, ушбу институтнинг хукукий меъёрлари ханузгача кодификация килинмаган, шу боис у одатда прецедентлар ва суд карорлари негизида шаклланган оддий-хукукий меъёрларга асосланади.

Халкаро-хукукий жавобгарлик — хукукбузарлик субъектининг халкаро хукукни бошка субъектига етказган зарари окибатларини бартараф килиш буйича юридик мажбуриятларидир.

Халкаро хукукбузарлик халкаро килмишларга ва халкаро жиноятларга булинади. Халкаро жиноятларга халкаро хукукнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларини бузадиган, шунинг учун бутун жахон хамжамияти тизимига салбий таъсир курсатадиган алохида хавфли килмишлар киради.

Халкаро хукукда шаклланган умумий тамойилга кура халкаро гайрихукукий килмишлар халкаро-хукукий жавобгарликни келтириб чикаради.

Жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи меъёрлар асосан халкаро шартномаларда уз аксини топтан, шунингдек, БМТ ва бошка халкаро ташкилотларнинг резолюцияларида тасдикланган. Халкаро хукукда халкаро жавобгарлик деганда хукук меъёрларидан келиб чикадиган субъектив мажбуриятларини бузган, яъни халкаро хукукка хилоф хатти-харакат содир этган субъект учун нокулай салбий юридик окибатлар тушунилади.

Халкаро хукук меъерлари ички давлат хукуки меъерлари сингари уч элементдан:

- биринчидан, белгиланган хулк-атвор коидалари шарт-шароитини англатувчи гипотезадан;
- иккинчидан, ушбу коидаларни ифодаловчи диспозициядан; учинчидан, ушбу коидаларни бузган субъект учун вужудга ке-ладиган салбий окибатлар учун кузда тутилган санкциядан иборат. Халкаро-хукукий жавобгарлик — халкаро-хукукий меъёрларда назарда тутилган субъектив мажбуриятларни бузиш ва ушбу меъёрларда белгиланган санкцияларни куллаш натижасида келиб чикадиган юридик окибатлардир.

Санкция меъёрларнинг зарурий элемента эканлиги тугридан--тугри маънода, хукукнинг хар бир алохида меъёрида муайян санкция курсатилиши сифатида тушунилмаслиги лозим. Бу миллий хукук. учун хам, халкаро хукук учун хам бирдек тегишлидир. Халкаро хукукда халкаро жавобгарлик меъёрлари тизими уни хукук билан тартибга солинадиган халкаро муносабатларнинг барча сохаларига оид бултган умумий институтларидан бирини ташкил килади.

Халкаро хукукда энг аввало давлатларнинг халкаро жавобгарлиги хусусида суз боради. 1969 йилдан БМТнинг Халкаро хукук комиссияси тегишли меъёрларни кодификация килиш билан шугулланиб келмокда.

Давлатнинг хар кандай халкаро хукукка хилоф килмиши ушбу давлатнинг халкаро жавобгарлигини келтириб чикаради.

Куйидаги холатлар мавжуд булганда давлатнинг халкаро  хукукка хилоф килмиши:

- биринчидан, харакат ёки харакатсизликда намоён буладиган кандайдир хулк-атвор халкаро хукукка мувофик давлатга тегишли булганда ва,
- иккинчидан, бундай хулк-атвор ушбу давлатнинг халкаро мажбуриятларини бузиш хисобланганда аён булади.

Халкаро хукукий муносабатларда давлатлар юридик ахамиятга молик хатти-

харакатлари (ёки харакатсизлиги) билан хукукий асосда (уз халкаро мажбуриятларига риоя килиш билан) ёки хукукка хилоф (мажбуриятларини бузиш билан) фаолиятни амалга оширади. Хар кандай давлат органининг хатти-харакати ушбу давлатнинг ички хукуки асосида шундай макомга эга булса (халкаро ва миллий хукукнинг узаро алокадорлиги), халкаро хукукка мувофик мазкур давлатнинг килмиши деб хисобланади.

Давлат томонидан халкаро мажбуриятларнинг бузилиши, давлатнинг килмиши ушбу мажбурият буйича давлатдан талаб килинадиган харакатга номувофик булган такдирда намоён булади.

Факат халкаро хукук субъектларигина халкаро-хукукий жавобгарлик субъекти булиши мумкин. Жисмоний ва мустакил юридик шахслар оддий хукукбузарлик учун бундай жавобгарликка тортилмайдилар, чунки бунда фукаролик-хукукий жавобгарлик вужудга келади.

Амалиётда халкаро хукук субъектларининг хатти-харакатлари давлат номидан иш куришга хакли булган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг харакатларида ифодаланади. Уларнинг хатти-харакатлари учун давлат узининг бутун миллий бойлиги билан жавоб беради.

## Халкаро-хукукий жавобгарлик турлари ва шакллари

Халкаро хукукка хилоф килмиш икки тоифага, яъни: халкаро хукукбузарлик ва давлатларнинг халкаро жиноятларига булинади. Сунгги тоифа, агар давлатлар хамжамияти томонидан муайян халкаро хукукка хилоф килмишларни халкаро жиноят тоифасига киритилса, мавжуд булади. Хукукбузар давлат икки турда халкаро жавобгарликка: моддий ва сиёсий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Халкаро-хукукий жавобгарликнинг иккита: сиёсий ва моддий тури мавжуд.

Сиёсий халкаро-хукукий жавобгарлик сатификация шаклида ифодаланади. Бу зарар курган тарафни содир этилган хукукбузарлик кайтарилмаслиги тугрисида ишонтириш ва узр сураш, хукукбузарликни содир этишдаги аник, айбдорларни жазолащдир.

Сиёсий жавобгарлик хукукбузар давлат зиммасига турли чеклаш ёки тиклаш хусусиятига эга болтан мажбуриятлар юклатишда:

- биринчидан, бузилган халкаро мажбуриятларни тиклашда;
- иккинчидан, хукукка хилоф килмиш содир этищда гумон килинган шахсларни жавобгарликка тортиш ва бунда айбдор булган шахсларни жазолашда;
- учинчидан, жисмоний шахслар ва уларнинг бирлашмаларини муайян фаолиятини таъкиклашда;
- туртинчидан, юридик шахсларни жавобгарликка торгиш ва бошкаларда намоён булади. Давлат томонидан халкаро жиноят содир этилганда, масалан, агрессия, ушбу давлатнинг сиёсий жавобгарлиги харбий характер (куроллий кучларни ва куролланишни чеклаш кабиларда)даги мажбуриятлар юклатилиши, милитаристик ёки бошка турдаги ташкилот ва бирлашмаларни такиклаш, демилитаризация чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, тажовузкор давлат худудининг бир□Á睽 Йჲ¿□_□

槎磧□DŽ□□ᏜᏜ 1Ô棘1格10楱1斐1ₔ涠1ꜜŦ涠1ɾ樗1ŖŖɫɫ涠1ɫ樗1,□0□"⋛□ □¶□□□梵
1梵1ŖŖ□□⋜ŖŖ□1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у □Á 睒ЙϏ¿□⎵□

椪磧DŽ㎡㸼1Ô棘1楁10楱1羿1ⓐ洇1ˈℂ洇1ɕ樗1ŖŖ卌洇1ł樗1,0"⋛ ¶梵1梵
1ŖŖ⋨ŖŖ1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳам**ияти**

**Халкаро хукукнинг п**айдо булиши.

Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан а**лохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган кон**унлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у арнинг жиноий килмиши давлатнинг жиноий фаолияти Билан боглик равишда вужудга келади. Жиноят содир этган давлат халкаро-хукукий жавобгарликка, жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Шахс томонидан буйрукни (уз хукумати ёки рахбарининг буйругини) бажариш натижасида жиноий хатти-харакат содир этиши жиноий жавобгарликдан озод килмайди. Бундай шахсларни жазолаш учун халкаро ва миллий конунчилик кулланилади.

Шахснинг расмий макоми (давлат ёки хукумат рахбари) уни жиноий жавобгарликдан озод килиш учу насос булмайди.

Иккинчи жахон урушидан сунг асосий харбий жиноятчиларни судлаш учун икки: Нюрнберг ва Токио халкаро харбик трибуналлари ташкил килнган. Хавфсизлик кенгашининг карори (1993 йил) Билан собик Югославия худудида жиноят содир этишда айбдор булган шахсларни судлаш учун халкаро трибунал ташкил этиш назарда тутилган.

**Халкаро жиноят содир этган халкаро ташкилотларнинг жавобгарлиги**

Халкаро ташкилотларнинг жавобгарлиги уларнинг халкаро шартномалардан ва халкаро хукукнинг бошка манбаларидан келиб чикадиган уз халкаро мажбуриятларини бузиши окибатида вужудга келади.

Халкаро ташкилотлар уз органларининг низомидаги ва бошка мажбуриятларига риоя килмаслиги ва халкаро мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари билан келтирилган зарар учун жавобгар буладилар.

***8 маъруза***

# ХАЛКАРО ШАРТНОМАЛАР ХУКУКИ

- Халкаро шартномалар хукуки тушунчаси ва манбалари.
- Халкаро шартнома тушунчаси ва унинг юридик табиати.
- Халкдро шартнома объекти ва максади.
- Халкаро шартномаларни таснифлаш (классификациялаш).
- Халкаро шартнома шакли, тузилиши ва номи.
- Халкаро шартноманинг кучга кириши ва харакат тартиби.
- Халкаро шартномаларнинг хакикийлиги.
- Халкаро шаргномаларнинг бекор килиниши ва харакатининг тухтатилиши.
- Халкаро шартнома ижросини таъминлаш усуллари.
- Давлатларнинг халкаро шартномаларга нисбатан хукукий ворислиги

## Халкаро шартномалар хукуки тушунчаси ва манбалари

Халкаро шартномалар хукуки халкаро хукукнинг алохида сохаси булиб, халкаро шартномаларни тузиш, уларнинг харакати ва уларни бекор килиш борасида давлатлар ва халкаро хукукнинг бошка субъектлари уртасидаги муносабатларнинг тартибга солувчи халкаро-хукукий меъёрлар йигиндисини ташкил килади.

Халкаро шартнома шартнома томонларининг узаро хукук ва бурчларини аник, ва очик-ойдин белгилаб бериш учун тузилади. Халкаро муносабатларнинг шартномаларга асосланиб мустахкамланиши халкаро хукукий тартибот баркарорлигини таъминлайди.

Халкаро шартномалар хукуки субъектлари халкаро хукук субъектларидир.

Узок вакт давомида халкаро шартномалар хукукининг бирдан-бир ягона манбаи халкаро одат булиб келган. 1986 йилда Давлатлар ва халкаро ташкилотлар ёки халкаро ташкилотлар уртасидаги шартномалар хукуки тугрисидаги Вена конвецияси кабул килинди. Мазкур конвенция халкаро хукукнинг ижобий (прогрессив) ривожланиши ва кодификациялаштирилишининг натижаси булиб, халкаро ташкилотлар иштирокидаги шартномаларнинг узига хос-лигини инобатга олувчи коидаларни ифодалайди.

**Халкаро шартномалар хукуки** — халкаро хукукнинг алохида сохасидир. Мазкур хукук сохаси нисбатан мустакил меъёрлар мажмуи ва тизимидан иборат булиб, тартибга солиш предметининг умумийлигига (бирлигига) асосланган. Ушбу холатда шартномаларни тузиш ва ижро этиш хукук сохасининг предмети хисобланади.

Хозирги вактда халкаро шартномалар хукуки асосан куйидаги уч универсал конвенцияларда кодексклаштирилган:

- биринчиси — Халкаро шартномалар хукуки тугрисидаги Вена конвенцияси (1969 йил).
- иккинчиси — Давлатлар ва халкаро ташкилотлар ёки халкаро ташкилотлар уртасидаги шартномалар т$трисидаги Вена конвенцияси (1986 йил).
- учинчиси — Давлатларнинг шартномаларга нисбатан хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенцияси (1978 йил).

Мазкур учала конвенциялар уз матнларида конвенциялар давлатларнинг халкаро жавобгарлиги хамда давлатлар уртасидаги харбий харакатларнинг бошланишидан келиб чикадиган окибатлар билан боглик; коидаларга эга эмаслигини уктиради, яъни ушбу кисм буйича бошка халкаро-хукукий меъёрларга хавола киладилар.

## Халкаро шартнома тушунчаси ва унинг юридик табиати

Халкаро шартномалар тугрисидаги 1969 йилги Вена конвенцияси коидаларига кура, халкаро шартнома – давлатлар ва халкаро хукукнинг бошка субъектлари уртасида бир, икки ёки бир-бири Билан боглик булган бир неча хужжатларда мужассамлашганлигидан хамда унинг аник номидан катъи назар ёзма шаклда тузиладиган халкаро хукук Билан тартибга солинадиган битим хисобланади.

Халкаро ташкилотнинг шартномалар тузиш хукукий лаёкати Ушбу ташкилот

коидалари Билан тартибга солинади. Агар давлатларнинг халкаро шартномалар тузишга нисбатан хукук лаёкати чекланмаган ва улар хар кандай масалалар буйича шартномалар тузиш хукукига эга булса, халкаро ташкилотларнинг шартнома тузиш хукук лаёкати уларнинг таъсис хужжатлари билан белгиланади

«Халкаро шартнома» - давлатлар ва халкаро хукукнинг бошка субъектлари томонидан бир, икки ёки бир-бири билан боглик булган бир неча хужжатларда ифодаланганидан хамда унинг аник номидан катъи назар ёзма шаклда тузиладиган халкаро хукук билан тартибга солинадиган битим хисобланади.

Халкаро шартнома – огзаки тарзда тузилган бошка битимлардан, яъни жентльменлик битимлари (маълум матндан иборат, бирок халкаро шартноманинг бошка атрибутларини , хусусан унга юридик куч берувчи, кучга кириш шарт –шароитларини ав харакат муддатини белгиловчи коидаларни узида ифодаламаган огзаки битим) дан фаркли уларок давлатлар уртасида тузилган езма битимдир.

**Халкаро шартнома объекти ва максади**

Халкаро хукук субъектларининг моддий ва номоддий неъматларга каратилган муносабатлари, харакатлари ва маълум хатти-харакатда узларини тийиб туришлари халкаро шартнома объекти хисобланади.

Халкаро шартнома максади деганда халкаро хукук субъектларининг шартнома тузи шоркали амалга ошириш ва эришишга каратилган холати тушунилади. 1969 йилги Вена конвенцияси меъёрлари давлатлар уртасидаги узаро муносабатларга хамда халкаро шартномалар доирасида халкаро хукукнинг бошка субъектлари хусусан, халкаро ташкилотлар уртасидаги муносабатларда хам кулланади. Халкаро шартномалар хукуки тугрисидаги 1969 йилги Вена конвенциясига мувофик, шартнома матнини тайёрлаш ва кабул килиш: «музокараларда катнашаётган давлаталар», яъни шартнома матни□Ắ睽Йჹ¿□⎵□

楪磧□DŽ□□ꝺ墈1Ô楝1格10楱1斐1ꝵ涠1ˈƱ涠1ɾ樗1ŖŖɫɫɫ涠1ɫ樗1,□0□"⋛□ □¶□□□梵1梵
1ŖŖ□□⋞ŖŖ□1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқ**нинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти**

**Ха**лкаро хукукнинг пайдо булиши.

Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у □Á 睽Йჸ¿□⎵□

楪磧□DŽ□□ᘕ墈1Ô棘1榕10楱1奘1ₐ洇1ˈ Ꚍ洇1ɛ樗1ŖŖᚋᚋ洇1ɫ樗1,□0□"⋛□ □¶□□□梵1梵 1ŖŖ□□⋨ŖŖ□1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у □Á 睽Йϱ¿□⎵□

槎磧DŽꝺ墈1Ô棘1格10楱1奘1ₐ涠1ˈƮ涠1ɢ楞1ŖŖⱡⱡ涠1ł楞1,0"⋜ ¶梵1梵
1ŖŖ⋞ŖŖ1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.
Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у булади. Катор куптомонлама шартномалар давлатлар худудидан узга майдонлар доирасини кузда тутади. Мисол тарикасида 1959 йилда кабул килинган Антарктика тугрисидаги шартномани айтиб утиш мумкин.

Умуман олганда, халкаро шартнома учинчи давлатлар ёки халкаро тапшилотларга нисбатан уларнинг бунга розилигисиз хеч кандай хукук ва мажбуриятлар тугдирмайди.

Агар унинг иштирокчилари бундай максадни кузда тутган булса ва учинчи давлатнинг узи бунга розилик берган булсагина, унинг учун халкаро шартномадан маълум хукук келиб чикиши мумкин.

**Халкаро шартномаларнинг хакикийлиги**

1969 ва 1986 йилги Вена конвенциялари халкаро шартномаларнинг хакикийлиги презумпциясидан келиб чикади, чунки халкаро шартноманинг хакикийлиги ёки ишгирокчининг шартнома коидаларини унинг учун мажбурийлигига розилиги факат халкаро хукук асосидагина белгиланиши мумкин. Факат хакикий халкаро шартномагина унда ифодаланган хукук ва мажбуриятларни келтириб чикариши мумкин.

Халкаро амалиётда алохида шартномалар хакикий эмас деб топилган холатлар хам мавжуд. Шартноманинг хакикий эмаслигини белгиловчи асослар каторида давлатни мажбур килиш, алдаш, хато, шартнома коидаларини халкаро хукукнинг jus cogens меъёрларига зид келиши кабиларни санаб утиш мумкин.

Шартноманинг хакикий эмаслиги шартлари икки турда, яъни: мутлак, ва нисбий, яъни улардан фойдаланмаслик ёки фойдаланишга йул куювчи турларда булади.

Шартнома, агар уни тузиш вактида халкаро хукукнинг императив меъёрларига зид булса, хакикий эмас ва юридик жихатдан ахамиятсиз хисобланади.

Шартнома унинг мажбурийлигига уз розилигини берган давлат томонидан, «агар

унинг ички хукуки шартномалар тузиш ваколатига тегишли коидалари бузилган булса; шартномада маълум характердаги хато мавжуд булса; шартнома бошка бир давлатнинг ёлгон харакатлари таъсири остида ёки унинг вакилига бевосита ёки билвосита пора бериш ёки мажбурлаш натижасида тузилган булса» хакикий эмас деб топилиши мумкин.

Давлат ушбу холатларни инобатга олмаслиги ва узи учун шартнома коидалари мажбурийлигини саклаб колиши мумкин.

Давлат, агар ушбу холатлар мавжудлигини била туриб, шартнома коидаларини кулласа ва уларни бажарса, шартнома мажбурийлиги борасида билдирган розилигига нисбатан норозилик билдириш хукукини йукотади. Чунки давлатнинг ушбу хатти-харакати шартнома коидаларига индамай рози булиш деб хисобланади. Мазкур коида халкаро хукукда эстопель (estopel) коидаси деб номланади.

Агар шартнома коидаларида бошка максад ифодаланмаган булса, шартнома оркага кайтиш кучига эга эмас. Бу шуни англатадики, шартнома коидалари унинг иштирокчиси хисобланган давлатнинг шартнома кучга киргунга кадар содир этган хар кандай харакатлари, фактлар ёки холатларга нисбатан кулланмайди. Шартномаларга оркага кайтиш кучини бериш нафакат энг кам, балки фавкулодда ходисадир.

Давлатлар ва халкаро ташкилотлар ёки халкаро ташкилотлар уртасидаги шартномалар тугрисидаги коидалар 1986 йил Вена конвенциясида кодекслаштирилган.

Конвенцияга мувофик халкаро ташкилот — хукуматлараро ташкилотдир.

Расмий тасдиклаш хужжати — давлатнинг шартномани ратификация килиш хужжатига мувофик келадиган халкаро хужжат булиб, у оркали халкаро ташкилот шартнома мажбурийлигига уз розилигини изхор килади.

Халкаро ташкилотнинг барча хатти-харакатлари унинг коидаларига мувофик тарзда амалга оширилади.

Халкаро ташкилот коидалари — ташкилотнинг таъсис хужжатлари, улар асосида кабул килинган карор ва резолюциялар, шунингдек, ташкилотнинг муким шаклланган амалиёти, яъни бу шундай амалиётки, унга нисбатан аъзо-давлатлар консенсусга (эътирознинг мавжуд эмаслигига) эга.

Халкаро ташкилот томонидан халкаро шартномалар тузилаётган вактда бериладиган ваколат — бу ташкилотнинг ваколатли органи томонидан кабул килинадиган хужжат булиб, унга мувофик бир ёки бир неча шахс ташкилот номидан музокаралар олиб бориш, шартнома матнини кабул килиш ёки унинг матни хакикийлигини аниклаш, ушбу ташкилотнинг шартнома мажбурийлигига розилигини ифодалаш ёки шартнома тузиш билан боглик булган бошка хар кандай харакатларни амалга ошира олиш ваколатига эга булади.

Халкаро шартномаларнинг бекор килиниши ва харакатининг тухтатилиши

Халкаро шартноманинг бекор килиниши (тугатилши), яъни юридик кучини йукотиши ёки ундан иштирокчининг чикиши шартнома коидаларига мувофик тарзда ёки шартнома катнашчиларининг розилигига биноан хохлаган вактда амалга опшрилиши мумкин.

Халкаро шартномани тухтатиш шартнома харакат муддатининг тугаши, унинг бажарилиши, янги jus cogens меъёрининг вужудга келиши, шартномада белгиланган шарт-шароитлар асосида денонсация килиниши натижасида юз бериши мумкин.

Шартномани тухтатишда денонсация, яъни шартномани бекор килиш тугрисида билдириш кенг кулланади. Агар шартнома денонсация килишни назарда тутмаган ва шартнома иштирокчиларининг бундай имкониятдан фойдаланишлари максад килиб куйилмаган булса, шартнома денонсация килинмайди.

## Халкаро шартнома ижросини таъминлаш усуллари

Халкаро шартнома ижросини таъминлаш халкаро хукук субъектлари томонидан амалга оширилади. Халкаро шартномаларнинг бажарилиши:

- биринчидан, халкаро кафолатлар;
- иккинчидан, халкаро назорат;
- учинчидан, халкаро ташкилотларнинг куллаб-кувватлаши оркали таъминланиши мумкин.

Халкаро кафолатлар деганда маълум давлат ёки давлатлар гурухининг тузилган шартноманинг бажарилишини тасдикловчи ёки кафиллигини олганлигини белгиловчи

халкаро-хукукий хужжат тушунилади.

Халкаро хукукка мувофик, амалдаги хар бир халкаро шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий ва улар томонидан виждонан бажарилиши лозим. Ушбу коида кенг тан олинган логин формуласида pacta sunt servanda, деб ифодаланади. Бирок бу бошка бир умум тан олинган коидадан келиб чикувчи алохида бир холдир, яъни давлатлар ва халкаро хукукнинг бошка субъекглари халкаро мажбуриятларини унинг келиб чикишидан катьи назар (одатий, шартномавий ёки бошка тарзда) виждонан бажаришлари лозим.

**Давлатларнинг халкаро шартномаларга нисбатан хукукяй ворислнги**

Халкаро хукукда хукукий ворислик — халкаро хукукнинг умумий институтларидан бири булиб, факат давлатлар уртасидаги узаро муносабатлар сохасига тааллуклидир.

Хукукий ворислик бир хукук субъекти хукук ва мажбуриятларини иккинчи бирига ёки хукукнинг бошка субъектларига утишини англатади. Бунда узаро боглик хукукий муносабатларда иштирок этаётган субъектлар уртасида хукукий ворисликнинг вужудга келиши ва амалга опшрилишида юридик ахамиятга эга булган узаро богликлик мавжуд булипш лозим.

Халкаро хукук фанида курсатиб утилган узаро 6огликлик, яъни тегишли юридик фактнинг мавжудлиги, баъзан де-факто — хукукий ворислик деб, хукукий ворисликнинг узи эса, яъни тегишли юридик фактнинг хукукий окибатларининг мавжудлиги — де-юре хукукий ворислик деб номланади.

Давлатларнинг ички хукукида де-юре хукукий ворисликнинг узига хос куриниши мерос олиш хукукидир. Мерос олиш хукукини келтириб чикарувчи юридик факт, индивид — субъектлар уртасидаги кариндошлик муносабатлари (оталар, болалар, набирал ар ва бошкалар) ёки у хамда бу хукук субъекти фойдасига васият килишдир.

Халкаро хукукда хукукий ворислик муносабатлари умуман икки универсал конвенция коидалари билан тартибга солинади. Булар 1978 йилда кабул килинган Давлатларнинг шартномаларга нисбатан хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенцияси ва 1983 йилда кабул килинган Давлатларнинг давлат мулки, давлат архивлари ва давлат карзларига нисбатан хукукий ворислиги тугрисидаги Вена конвенциясидир.

Уларнинг биринчиси, бир томондан — халкаро хукукда хукукий ворислик институтининг бир кисмини, иккинчи томондан — халкаро хукук сохаси — халкаро шартномалар хукукининг таркибий кисмини ташкил килади.

Давлатларнинг хукукий ворислиги маълум худуддаги халкаро муносабатлар учун жавобгарликни бир давлатдан иккинчи бирига утишига айтилади. Ушбу таъриф утмишдош-давлат ва меросхур-давлат уртасидаги муносабатларда юридик ахамиятга эга булган алока мавжудлигини, яъни конвенцияларда давлатлар хукукий ворислигининг (юридик) окибатлари сифатида тасвирланган хукукий ворисликни вужудга келтирадиган юридик фактнинг мавжудлигини курсатади.

Утмищцош-давлат ва меросхур-давлат уртасидаги муносабатларда, яъни:

- бирннчидан, бир давлат худудининг маълум кисми иккинчи бир давлатга берилганда;
- иккинчидан, икки давлат бирлашганда ва уларнинг бирлашган худудида ягона давлат вужудга келганда (унитар ёки федератив);
- учинчидан, утмишдош-давлат булинмокда ва унинг худудида иккита ёки бир неча мустакил давлат вужудга келган юридик ахамиятга эга булган алоканинг мавжудлиги худудий характердаги богликлик хисобланади:

Янги давлат вужудга келишининг узига хос куриниши — тобе худудда мустакил давлатнинг вужудга келишидир. Конвенцияларда бу каби давлатлар янги мустакил давлатлар деб номланади.

Бир давлат хукук ва мажбуриятларининг иккинчи бирига утишидан, масалан, 1978 йил конвенциясида белгиланган хукукий ворислик тугрисидаги меъёрларга мувофик, шартномалардан келиб чикувчи мажбуриятлардан, ташкил топтан хукукий ворисликни вужудга келтирувчи юридик фактлар мана шулардир.

***9 маъруза***

# ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ХУКУКИ

- Дипломатик хукук тушунчаси, тизими ва манбалари.
- Ташки алокдлар органларининг турлари.
- Дипломатик корпус.
- Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг иммунитети, имтиёзлари ва имкониятлари.
- Давлатларнинг халкаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналари.
- Консуллик хукукининг тушунчаси ва манбалари.
- Консуллик муассасалари тоифалари ва ходимлари.
- Консуллик муассасалари ва улар ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари.

## Дипломатик хукук тушунчаси, тизими ва манбалари

Дипломатик хукук — халкаро хукукнинг кадимий ва алохида мустакил сохасидир. Дипломатик ва консуллик хукукини бир-биридан фарклаш максадга мувофикдир, чунки уларнинг охиргиси давлатлараро муносабатларнинг махсус ва етарли даражада тор сохасини ифодалайди.

**Дипломатик хукук** — халкаро-хукукий нормаларнинг нисбатан мустакил тизими булиб, халкаро муносабатларда давлатлар вакиллигини тартибга солади. Мазкур муносабатларнинг иштирокчилари давлатларнинг узлари булиб, ушбу халкаро муносабатлар хукукий муносабатлар характерини олади. Тегишли дипломатик муассасалар функцияси уз давлати манфаатларини у иштирок этаётган турли халкаро (сиёсий, иктисодий, ижтимоий, маданий ва бошка) муносабатларда химоя килишдир.

Консуллик хукуки — халкаро-хукукий нормаларнинг нисбатан мустакил тизими булиб, давлатлар узаро муносабатларининг узига хос сохаларида, хусусан, иктисодий, ижтимоий ва маданий сохаларда вакиллигини тартибга солади.

Дипломатик хукук умуман, гарчи чекланган доираларда булса-да, консуллик муносабатларини хам камраб олади. Консуллик муассасалари, амалиётда мавжуд булганидек, мазкур давлат томонидан таъсис этилмаслиги хам мумкин.

**Дипломатик хукук** — халкаро хукукнинг мухим сохасидир. У, аввало, халкаро одат хукук нормалари тизимини ташкил этади. Бирок, хозир ушбу нормаларнинг аксарият кисми бир катор универсал конвенцияларда кодекслапггирилган. Булар амалдаги:

- **1961 йилда кабул килинган Дипломатик алокалар тугрисидаги Вена конвенцияси;**
- **1969 йилда кабул килинган Махсус миссиялар тугрисидаги конвенция;**
- **1975 йилда кабул килинган Давлатларнинг универсал характердаги халкаро ташкилотлар билан узаро муносабатларидаги вакиллиги тугрисидаги Вена конвенцияси;**
- **1963 йилда кабул килинган Консуллик алокалари тугрисидаги Вена конвенциясидир.**

**Дипломатик хукук** — «ташки алокалар хукуки» деб номлаш лозим булган халкаро хукук институтининг бир кисмидир, чунки халкаро хукук нормалари билан тартибга солинадиган халкаро муносабатларда нафакат давлатлар, балки бошка субъектлар, хусусан, халкаро ташкилотлар — универсал, регионал (БМТ Устави мазмунида) ва махаллий, халкаро органлар ва уз ташки алокаларини улар номидан катнашувчи тузилмалар оркали ифода этувчи бошка халкаро институглар иштирок этади.

**Ташки алокалар хукуки** — халкаро-хукукий нормаларнинг шундай тизимики, у халкаро муносабатларда халкаро хукук. субъектлари вакиллигини тартибга солади. Бу, асосан, одат нормалари саналади. Бирок, универсал характердаги конвенциялар (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти имтиёз ва иммунитетлари тугрисидаги 1946 йил

конвенцияси ва Ихтисослашган муассасалар имтиёз ва иммунитетлари тугрисидаги 1947 йил конвенцияси) хам мавжуд.

**Дипломатик хукук** — давлатнинг ташки алокалари сохасида фаолиягг юритувчи органлари макоми ва функцияларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисини ифодаловчи халкаро хукук сохасидир.

Дипломатик хукук тизими дипломатиянинг асосий шаклларига:

- биринчидан, дипломатик ваколатхоналар ёки тузилган шартноманинг бажарилишини таъмин этишга хизмат килувчи давлатларнинг махсус миссиялари томонидан амалга ошириладиган икки томонлама дипломатия;
- иккинчидан, халкаро конференция ва халкаро ташкилотлар сессияларида давлатлар делегациялари томонидан амалга ошириладиган куп томонлама дипломатия;
- учинчидан, халкаро ташкилотлар хузуридаги давлатларнинг доимий ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган дипломатия мос келади.

## Ташки алокалар органлари турлари

Дипломатик хукук халкаро хукукнинг узок вакт давомида ягона субъекти булиб келган давлатларнинг узаро амалиёти натижасида шаклланган ва ривожланган. Кадимда булгани каби хозирда хам давлатлар уртасидаги узаро муносабатлар бир давлат томонидан иккинчи бирига юбориладиган ташки алокалар органлари томонидан амалга оширилади. Ташки алокаларнинг бундай органлари кдгорига давлатларнинг узаро келшпуви асосида ташкил килинадиган доимий дипломатик ваколатхоналар ва бир давлат томонидан иккинчи бир давлатта юбориладиган махсус (вактинча, ad hoc) миссиялар киради.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссияларга тегишли нормалар мажмуи 1961 ва 1969 йилларда кабул килинган Вена конвенцияларида мужассамлашган.

Халкаро-хукукий адабиётда ташки алокалар органларини ички давлат ва хорижий турларга булиш мавжуд.

Ички давлат турига куйидаги давлат органлари:

- биринчидан, давлат ташки сиёсати асосларини белгиловчи давлатнинг олий вакиллик органи;
- иккинчидан, халкаро майдонда олий вакилликни амалга оширувчи давлат бошлиги (у коллегиал ёки якка бир шахсга тааллукли булиши мумкин);
- учинчидан, давлат ташки сиёсатида умумий рахбарликни олиб борувчи хукумат;
- туртинчидан, ташки ишлар идораси киради.

Доимий органларга дипломатик ваколатхоналар, яъни элчихоналар, миссиялар, халкаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналар, консуллик муассасалари киради. Вактинчалик органларга халкаро конференциялар ёки халкаро органлардаги махсус миссия ва делегациялар киради.

## Дипломатик ваколатхонанинг функцияси ва таркиби

Давлатлар уртасида дипломатик муносабатларнинг урнатилиши, одатда, дипломатик ваколатхоналар билан алмашишга олиб келади. Бирок, бундай алмашишни амалга ошириш учун махсус келишув зарур. Хозирги замон халкаро хукуки курсатилган дипломатик ваколатхоналар билан алмашишнинг уч даражаси мавжудлиги имкониятидан келиб чикади. Хар бир даража учун ваколатхона бошлигининг маълум тоифаси тугри келади.

Энг юкори даража — элчихонадир. Унга Фавкулодда ва Мухтор Элчи даражасига эга булган дипломатик вакил рахбарлик килади. Ундан сунг Фавкулодда ва Мухтор Вакил рахбарлик киладиган холда муваккат ишлар вакили томонидан бошкариладиган миссия туради.

Купгина давлатларда дипломатик ходимларга бериладиган дипломатик даражалар хам мавжуд.

Дипломатик ваколатхона ходимлари уч тоифага булинади. Булар дипломатик; маъмурий — техник ва хизмат курсатувчи ходимлардир.

Дипломатик ваколатхона функциялари:

- биринчидан, вакил килиб юборувчи давлатнинг ваколатхона жойлашган давлатда

вакиллик килишида;

- иккинчидан, вакил килиб юборувчи давлатни ваколатхона жойлашган давлатда (халкаро хукук рухсат берган доирада) манфаатларини химоя килишда;
- учинчидан, дипломатик ваколатхона жойлашган давлатда хукумат билан (кенг маънода — давлат ва хукумат бошлиги, ташки ишлар вазирлиги ва ваколатли органлар билан) музокаралар олиб боришда;
- туртинчидан, ваколатхона жойлашган давлатдаги шарт-шароитлар ва вокеаларни мумкин булган барча конуний воситалар оркали урганиш ва улар тугрисида уз давлатини хабардор килищда;
- бешинчидан, вакил килиб юборувчи ва кабул килувчи давлатлар уртасида барча сохаларда узаро дустона алокаларни рагбатлантириш ва ривожлантиришда намоён булади.

Махсус миссия функциялари — унинг вазифаларини хамда юборувчи ва кабул килувчи давлатларнинг узаро келишуви буйича вакил килиб юборувчи давлат манфаатларини ваколатхона жойлашган давлатда ифодалашда белгиланади.

Доимий дипломатик ваколатхона таркибида вакил килиб юборувчи давлат номидан иш куриш унинг бошлигига юклатилади.

Ваколатхона бошликлари уч тоифага булинади. Улар:

- биринчидан, элчилар тоифаси ёки узгача ном билан юритилувчи уларга мос булган шахслар (нунцийлар, олий комиссарлар ва хок.);
- иккинчидан, юборувчи давлат томонидан кабул килувчи давлат бошлиги хузурида унинг номидан вакиллик килиш учун тайинланган мухтор вакиллар тоифаси (интернунцийлар);
- учинчидан, кабул килувчи давлат ташки ишлар вазирлиги хузурида юборувчи давлат номидан вакиллик килиш учун тайинланган муваккат ишлар буйича вакиллар.

Дипломатик ваколатхона бошликларини тайинлаш учун кабул килувчи давлатнинг розилиги — агреман суралади. Шундан сунггина унта юборувчи давлат томонидан унинг тайинланганлигини тасдикловчи ишонч ёрлига берилади.

Махсус миссия таркибида вакил килиб юборувчи давлат номидан вакиллик килиши учун бир ёки бир неча шахс тайинлана-ди. Улар юборувчи давлатнинг вакиллари номи билан юритилади. Махсус миссия таркибига кирувчи шахслар ичидан юборувчи давлат миссия бошлигини тайинлаши мумкин.

Доимий дипломатик ваколатхона таркибига дипломатик ходимлар, яъни дипломатик мартабага (рангга) эга булган шахслар (мухтор вакил, биринчи, иккинчи ва учинчи котиблар, атташе, котиб-архивариус), харбий, харбий-денгиз ва харбий-хаво атташелари ва шунингдек, маъмурий-техник ва хизмат курсатувчи ходимлар кириши мумкин.

Махсус миссия таркибига уз навбатида дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат курсатувчи ходимлар киради.

Дипломатик ходимлар дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия бошлири топширигига биноан кабул килувчи давлат билан узаро муносабатларда юборувчи давлат номидан маълум функцияларни бажарадилар.

Маъмурий-техник ва хизмат курсатиш ходимлар дипломатик ваколатхона ёки махсус миссияга тегишли хизмат курсатиш буйича уз функцияларини бажарадилар.

Дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат курсатиш хизмати ходимларини тайинлаш тартиби ва уларнинг сони кабул килувчи ва юборувчи давлатларнинг узаро келишуви асосида белгиланади. Кабул килувчи давлат дипломатик ходимни хохлаган вактда persona non grata, яъни номакбул шахс» деб эълон килиб, бу шахсларни юборувчи давлатдан дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия таркибидан чакириб олишларини талаб килиш мумкин.

## Дипломатик корпус

Дипломатик корпус кенг маънода ушбу давлатдаги чет эл дипломатик ваколатхонаси дипломатик ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари йигиндисидир.

Дипломатик корпус ташкилот хисобланмайди. Дипломатик корпус бошлиги унвони (мансаби) буйича юкори ва тегишли давлатга вакил килиб юборилган вакти жихатидан энг

куп ишлаётган дипломатик вакил (дуайен, оксокол) саналади. Баъзи католик давлатларда дипломатик корпус бошлиги Рим папаси нунцийси хисобланади.

Дипломатик корпуснинг чикиши факат расмий тантана вактларидагина (миллий байрамлар, табриклаш маросимларида) рухсат берилади.

Дипломатик корпус аъзоларининг дипломатик сифатларини тасдиклаш учун купгина давлатларнинг махаллий хокимияти органлари дипломатик гувохномалар беради.

**Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг иммунитети, имтиёзлари ва имкониятлари**

Дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия уз фаолиятини кабул килувчи давлат худудида амалга оширади. Улар узларининг вакиллик характери
ва функциясидан хамда ходимидан келиб чикиб, кабул килувчи давлат томонидан таъминлаб берилиши лозим булган алохида юридик макомга эга буладилар.

Ташки алокалар органларининг ушбу халкаро-хукукий макоми иммунитет, имтиёз ва имконият тушунчалари билан белгиланади.

Иммунитет юборувчи давлат ташки алокалар органлари ва улар ходимларининг ваколат ва функцияларини кабул килувчи давлатдан мустакил тарзда амалга ошира олишларини таъминлайди.

Имтиёз ва имкониятлар улар фаолиятининг самарадорлигига кумаклашиш учун хизмат килади.

Дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия ва улар ходимларининг иммунитети юборувчи давлат органлари сифатида давлат иммунитети деган янада кенгрок тушунчанинг эманациясидир.

Давлат иммунитети — тегишли давлатлараро хукукий муносабатлар мохиятининг жамланган куринишидир. Халкаро хукукда давлат иммунитети барча давлатлар уртасидаги узаро муносабатларда амал килувчи давлатлараро муносабатларнинг тамойилларидан (умумий нормаларидан) биридир. У одатий норма сифатида шаклланган ва шу асосда давлатлараро муносабатларни тартибга солмокда. Хозир мазкур тамойил юкорида тилга олинган Конвенцияда хам уз ифодасини топган. Шунинг учун уни нафакат давлатларнинг узок амалиётини умумлаштириш натижасида, балки мазкур Конвенцияда уз ифодасини топган халкаро-хукукий нормалар мохиятидан келиб чикиб хам белгилаш мумкин.
Иммунитет тамойили «хар бир давлат бошка бир давлат юрисдикциясидан иммунитет хукукига эга» эканлигини англатади. Иммунитет — юрисдикцияни истисно килиш ёки ундан озод этилишдир. Бу эса уз урнида юрисдикцияга буйсунмаслик билан баробар. Шубхасиз, «хар бир давлат бошка бир давлат юрисдикциясига буйсунмайди».

«Юрисдикция» тушунчаси халкаро хукукда (шунингдек, миллий хукукда хам) турли маъноларда кулланади. Бирок; давлат иммунитети тамойилига нисбатан у узининг кенг маъносида, яъни давлатнинг уз хокимияти ваколатларини амалга ошириш тарзида ишлатилади. Бошкача айтганда, давлат иммунитети тамойили бир давлатнинг иккинчи бир давлатга буйсунмаслигини англатади.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссиялар иммунитетига нисбатан айтилаётган гап, хусусан, кабул килувчи давлат худудида улар эга булган ва фойдаланаётган мулк тугрисида бормокда.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссиялар иммунитети каторига:

- биринчидан, улар биноларининг (хоналарининг) дахлсизлиги;
- иккинчидан, ушбу бинолар (хоналар) ва уларда жойлашган буюмлар иммунитети, шунингдек, харакат воситаларини тинтувдан, реквизипиядан, хибсдан ва ижро харакатларидан иммунитети;
- учинчидан, архивлар ва хужжатларнинг хар кандай вактда ва уларнинг каерда жойлашганидан катъи назар дахлсизлиги киради.

Дипломатик агентлар (ваколатхона бошлиги ва унинг дипломатик ваколатхона ходимлари), юборувчи давлат махсус миссиялари вакиллари ва улар дипломатик ходимлари иммунитети каторига:

- биринчидан, улар шахсининг дахлсизлиги (жумладан, хибсга олинишлари ёки бошка бирор шаклда ушланишлари мумкин эмас);

- иккинчидан, уларнинг шахсий хоналари, когозлари, хатлари (дипломатик ёзишмалари) ва мулки дахлсизлиги;
- учинчидан, ваколатхона жойлашган давлат жиноий, фукаролик ва маъмурий юрисдикцияси иммунитетига киради.

Мазкур шахслар иммунитетидан уларни юборувчи давлат воз кечиши мумкин. Чунки иммунитет алохида шахслар фойдаси учун эмас, балки ушбу давлат номидан вакиллик килаётган давлат органлари функциясининг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун берилади.

Халкаро хукукнинг умумий тамойилларидан бири хисобланмиш давлат иммунитетидан келиб чикувчи давлатнинг ташки алокалар хорижий органлари иммунитетларининг мазмуни шундай куринишга эга. Ушбу тамойил (умумий норма) императив характер касб этмайди. Бошкача айтганда, ундан чекиниш нафакдт халкаро хукукка мувофик балки манфаатдор давлатлар уртасидаги узаро келишув асосида (шартномада аник ифодаланган ёки бошка тарзда) хам амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг ташки алокалар хорижий органлари (ва уларнинг ходимлари) иммунитетлардан ташкари халкаро хукукдо мувофик маълум имтиёзлардан хам фойдаланишлари мумкин.

**Имтиёзлар** — хорижий вакиллик органлари (ва улар ходимлари) фаолиятининг имтиёзли шартлари булиб, одатда улардан миллий юридик ва жисмоний шахслар фойдаланмайдилар. Мазкур имтиёзли шартлар бундай вакиллик органларининг расмий халкаро-хукукий макомини инобатга олади ва уларга узаро асосларда мазкур органлар функция ва ваколатларининг фаолиятини сама-рали амалга оширишларига кумаклашиш максадида берилади.

1961 ва 1969 йиллар конвенцияларига мувофик бундай имтиёзлар каторига:

- биринчидан, хорижий давлат вакиллик органининг уни юборувчи давлат хукумати ва унинг хорижий органлари билан барча конуний воситалар ёрдамида, шу жумладан, дипломатик курьерлар, кодланган ёки шифрланган дипломатик мактублар (депеша), шунингдек, ваколатхона жойлашган давлат розилиги билан радиоузатгичлардан фойдаланган холда барча расмий максадларда алокаларни боглаб туриш;
- иккинчидан, хорижий давлат вакиллик органининг, у эгаллаб турган биноларга нисбатан, алохида курсатилган хизматларга туловлардан ташкари барча давлат, туман ва махаллий (муниципал) солик, йигим ва божлардан озод этилиши;
- учинчидан, вакиллик томонидан фойдаланиш учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, соликлар ва йигимлари туланмасдан олиб кириш хукуки (баъзи истиснолардан ташкари);
- туртинчидан, ваколатхона ва унинг бошлиги томонидан юборувчи давлат байроги ва гербини ваколатхона хоналарига, шу жумладан, ваколатхона бошлиги кароргохига ва у фойдаланадиган транспорт воситаларига осиб куйиш хукукига киради.

Дипломатик агентлар, юборувчи давлат махсус миссия вакиллари ва унинг дипломатик ходимлари куйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар:

- биринчидан, миссия жойлашган давлат худуди буйлаб эркин харакат килади (белгиланган истиснолар билан);
- иккинчидан, барча давлат, туман ва махаллий (муниципал) солик, йигим ва божлардан озод этилади;
- учинчидан, уларнинг характеридан катъи назар, барча мехнат ва давлат мажбуриятларидан, шу жумладан, харбий мажбуриятлардан (реквизиция, товон тулаш ва уйларни кунок; харбийлар кунишидан озод килиш кабилардан) озод этилади;
- туртинчидан, курсатилган шахслар ва уларнинг оила аъзолари шахсий фойдаланишлари учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, соликлар ва йигимлари туланмасдан олиб кириш хукуки;
- бешинчидан, агар уларнинг шахсий юкларида миссия жойлашган давлатга олиб кириш ва олиб чикиб кетиш таъкикланган нарсаларнинг борлигини тасдикловчи жиддий асослар мавжуд булмаса, уларни текширишдан озод этилади.

Бундан ташкари, кабул килувчи давлат хорижий давлат ташки алокалар органига уларни уз функцияларини самарали бажара олишлари учун барча шарт-шароитларни

яратиши лозим.

Имкониятлар — ваколатхона жойлашган давлат, агар бунга зарурият булса, хорижий давлатга, унинг вакиллик органлари ва ходимлари тимсолида эга булиши учун ёрдам бериши мумкин ёки лозим булган неъмат ва имтиёзлардир.

Бу ерда гап ваколатхона учун бинога эга булиш ёки ходимлар учун яшаш хоналарини аниклаш, турли хилдаги расмий мактубларни юборишда имтиёзли хукуклар билан таъминлаш, узокда катнайдиган жамоатчилик транспортларидан имтиёзли фойдаланиш, кундалик турмуш эхтиёжлари учун зарур буюмларни олиш ва шунга ухшаш имтиёз ва хизматлар тугрисида бормокда.

Дипломатик ваколатхонанинг асосий мажбурияти — уз биносидан факат расмий максадларда фойдаланиш ва расмий алокаларни факат ташки ишлар идораси ёки келишилган холда бошка махкамалар оркали амалга оширишдир.

Дипломатик ваколатхона ходимлари мажбуриятлари дипломатик ваколатхона жойлашган давлат конун ва карорларини хурмат килиш хамда унинг ички ишларига аралашмасликда уз ифодасини топади. Дипломатик ваколатхона жойлашган давлатда дипломатга шахсий манфаатларни кузлаб касб ва тижорат фаолияти билан пгурулланиш такикланади.

**Давлатларнинг халкаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналари**

Дипломатик хукукнинг тегишли нормалари 1975 йилда кабул килинган Вена конвенциясида кодификация килинган. Мазкур Конвенцияда давлатларнинг универсал характердаги халкаро ташкилотлар хузуридаги вакиллиги, ушбу ташкилотларнинг органларида аъзо-давлатлар ёки аъзо булмаган давлатлар (кузатувчилар) вакиллиги хамда универсал характердаги халкаро ташкилотлар томонидан ёки уларнинг рахбарлигида чакириладиган халкаро конференциялардаги вакиллиги туррисида суз боради.

Халкаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналар деганда, аъзо-давлатларнинг доимий ваколатхоналари ва ташкилотга аъзо булмаган давлатларнинг кузатувчи доимий миссиялари тушунилади. Халкаро ташкилотлар органлари ва конференцияларга мослаб оладиган булсак, уларнинг ишида катнашаётган давлатлар делегациялари ва улар ишини кузатиб борувчи делегациялар тугрисида суз боради.
Универсал характердаги халкаро ташкилот — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган муассасалари, Атом энергияси буйича халкаро агентлик ва аъзолари таркиби ва жавобгарлиги кенг булган халкаро характер касб этувчи шунта ухшаш хар кандай ташкилотлардир.

Дипломатик хукукда тегишли ушбу хукук. сохасининг узига хос жихатлари марказий муассасалар, уларнинг булимлари, ташкилот органлари ёки халкаро конференцияларнинг уз фаолиятларини узга давлат худудида унинг юрисдикциясидан озод этилган ва тегишли узаро келишилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган холда амалга оширишида намоён булади. Давлатнинг халкаро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналари, халкаро органлар ва конференциялардаги делегациялари улар жойлашган давлат билан бевосита хеч кандай алокаларга киришмаган холда унинг юрисдикциясидан иммунитетга эга булади хамда, агар ушбу давлат ва халкаро ташкилот учун Конвенция кучда булса, унда белгиланган имтиёз ва имкониятлардан хам фойдаланадилар.

**Консуллик хукукининг тушунчаси ва манбалари.**

Консуллик хукукини консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг ходимлари макоми, функциялари, хукук ва мажбуриятларини белгиловчи халкаро-хукукий тамойил ва нормалар мажмуи сифатида таърифлаш мумкин.

Консуллик хукуки манбалари халкаро шартномалар ва халкаро одат нормаларидир.

**Консуллик хукуки** — давлатлар уртасидаги консуллик алокаларини тартибга солишга хизмат килувчи халкаро хукук институтларидан биридир. унинг нормалари 1963 йилги Вена конвенциясида кодификация килинган. Давлатларнинг кенг таркалган амалиётларидан бири халкаро хукукнинг тегишли кридаларини аниклаштирувчи ёки уларга бошкача шакл берувчи икки томонлама консуллик конвенцияларининг тузилишидир. Мисол

учун, консуллик органлари деб номланувчи консуллик муассасалари фаолияти доирасини белгиловчи консуллик ваколатхонаси жойлашган давлат худуди чегараларини аниклашга каратилган конвенциялар.

Консуллик масалалари буйича халкаро шартномалар хам икки томонлама, хам куп томонлама асосда тузилади. 1963 йилда кабул килинган Консуллик алокалари тугрисидаги Вена конвенцияси универсал ахамиятга эга. Конвенция 1967 йил 18 мартда кучга кирди. Узбекистан Республикаси ушбу конвенцияни 1995 йилда ратификация килган.

Консуллик хукукида консуллик масалалари буйича конвенциялар ва икки томонлама шартномалар мухим урин тутади. Шунингдек, консуллик органлари макоми, функциялари, тузилипшни хамда хорижий консуллик муассасалари хукукий холатини белгилаб берувчи миллий конунчилик коидалари хам катта ахамиятга эга.

**Консуллик муассасалалари тоифалари ва ходимлари**

Консуллик муассасалари — хорижий давлат худудида жойлашган ва уз давлати, унинг фукаролари ва ташкилотлари манфаатларини химоя килиш билан боглик функцияларни амалга оширувчи давлатнинг доимий ташки алокалар органи хисобланади.

Мустакил консуллик муассасалари:

- биринчидан, бош консуллик;
- иккинчидан, консуллик;
- учинчидан, вице — консуллик;
- туртинчидан, консуллик агентликлари каби тоифаларга булинади.

Дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик булимлари мудир томонидан бошарилади. У консул ёки бош консул деб номланиши мумкин.

Консуллик муассасалари тоифаларига мос тарзда улар бошликларининг тоифалари:

- биринчидан, бош консуллар;
- иккинчидан, консуллар;
- учинчндан, вице — консуллар;
- туртинчидан, консуллик агентликлари аникланади.

Давлат консулхона мансабдор шахсини вакил килиб тайинлашда унта консуллик патентини такдим килади. Унга асосан кабул килувчи давлат мазкур шахсга консуллик фаолияти билан шугулланиш хукукини берувчи хужжат топширади. Ушбу хужжат экзек-ватура деб номланади.

Консуллик алокаларининг узига хослиги шундаки, улар дипломатик муносабатлари урнатилмаган холатларда хам уз фаолият-ларини олиб боришлари мумкин ва хатто давлатлар уртасида дипломатик муносабатларнинг узилиши хам ipso facto консуллик алокаларининг бекор булишига олиб келмайди.

1963 йилги Конвенцияда белгиланган консуллик функциялари хам узига хос. Консулхонанинг энг асосий функцияси — консулхона жойлашган давлатда (одатда консулхона округи чегарасида) халкаро хукук тамойилларига мувофик равишда вакил килиб юборган давлат ва унинг фукаролари (юридик ва жисмоний шахслари) манфаатларини химоя килишдир.

Консуллик муассасалари:

- Биринчи — хокимият органларига консуллик муассасалари жойлашган давлатнинг иктисодий, савдо, ижтимоий, маданий ва сиёсий хаёти тугрисида ахборотлар бериб туриш;
- Иккинчи — уз давлати фукароларини консуллик муассасаси жойлашган давлат конун ва одатлари тугрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;
- Учинчи — консуллик муассасаси жойлашган округ худудида уз давлати фукароларини хисобга олиш;
- Туртинчи — консуллик муассасаси жойлашган округда жойлашган уз давлати фукаролари, давлат орган ва ташкилотлари вакилларига, шунингдек, харбий ва фукаролик кемалари хамда хаво кемаларига, уларнинг экипажига амалий ёрдам бериш ва консуллик фаолиятини амалга ошириш;
- Бешинчи — паспорт — виза фаолиятини амалга ошириш;
- Олтинчи — фукаролик холати далолатномаларини кайд этиш идоралари функциясини

бажариш, нотариал харакатларни амалга ошириш;

- Еттинчи — консуллик легализацияси билан шугулланиш, яъни консуллик муассасаси жойлашган давлат органларидан чикадиган хужжатлар имзоларини белгилаш ва уларнинг хакикийлигини ва ушбу хужжатларнинг шу давлат конун ва коидаларига мувофиклигини тасдиклаш;
- Саккизинчи — талаб килиб олинган хужжатлар буйича шундай амалларни амалга ошириш;
- Туккизинчи — консуллик муассасаси жойлашган давлатда вояга етмаганлар ва тулик муомала лаёкатига эга булмаган шахсларнинг хукук ва манфаатларини химоя килиш;
- Унинчи — суд ва бошка муассасаларда уз фукаролари манфаатларини ёклаб чикиш ва вакиллар билан таъминлаш буйича зарурий чора-тадбирларини куриш;
- Ун биринчи — уз давлати тергов ёки суд органларининг топширикларини бажариш каби функцияларни бажаради.

Маълум бир хорижий давлатда дипломатик ваколатхонанинг йуклиги дипломатик функцияларни бажаришни консуллик муассасасига юклаш амалиёти умум тан олинган коидага айланган.

Халкаро хукук шунингдек, консул томонидан учинчи бир давлат номидан ва унинг манфаатлари йулида маълум функцияларни бажариш имкониятига хам йул куяди.
Консуллик муассасаси у жойлашган давлат худудида тегишли харакатларни амалга оширганлиги учун консуллик йигимларини ундириш хукукига эга. Уз фаолиятларини амалга ошириш давомида консуллик муассасалари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ички ишларига аралашмасликлари лозим.

Консуллик муассасаси жойлашган давлат уз навбатида консуллик муассасасига ва унинг ходимларига хурмат курсатиши ва ишлаши учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

**Консуллик муассасалари ва улар ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари**

Консуллик муассасалари ва улар ходимлари учун иммунитет ва имтиёзлар 1963 йидца кабул килинган Консуллик алокалари тугрисидаги Вена конвенциясида белгиланганидек, «алохида шахслар фойдаси учун эмас, балки консуллик муассасаларининг давлат номидан уз функцияларини самарали амалга ошира олишларини таъмин этиш учун» берилади.

Консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари иммунитетлари мохиятан дипломатик иммунитетлар билан мосдир, бирок, имтиёз ва имкониятлари консуллик функцияларининг узига хослигини инобатга олганда анчайин кенг.

Консуллик муассасалари иммунитет ва имтиёзлари ичида консуллик биноларининг дахлсизлиги энг мухим ахамият касб этади.

Архивлар ва консуллик муассасалари хужжатлари хам хамма вакт каерда жойлашганидан катъий назар дахлсиз хисобланади.

***10 маъруза***

## ХАЛКАРО ТАШКИЛОТЛАР ХУКУКИ.

- Халкаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи.
- Халкаро ташкилотларнинг юридик табиати.
- Халкаро. ташкилотларнинг хукуклари, ваколатлари ва функциялари.
- Халкаро ташкилотлар органлари.
- Халкаро ташкилотлар томонидан карор кабул килиниши.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларининг роли ва тизими.
- БМТнинг ихтисослашган муассасалари.
- Минтакавий халкаро ташкилотлар.
- Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти.
- Мустакил Давлатлар Хамдустлиги.

- Халкаро конференциялар.

## Халкаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи

Хозирги замон халкаро алокаларида халкаро ташкилотлар давлатлар хамкорлигининг шаклларидан бири сифатида мухим роль уйнайди.

Халкаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ва ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмокда. XXI аср бошида фаолият курсатаётган халкаро ташкилотларнинг сони 4 мингдан ортик. булиб, 300 таси хукуматлараро ташкилотлардир. Улар уртасидаги алокалар ва олиб борилаётган хамкорлик кулами халкаро ташкилотлар тизими хакида гапиришга имкон беради.

«Халкаро ташкилотлар» атамаси одатда давлатлараро (хукуматлараро) ва нохукумат ташкилотларга нисбатан кулланилади. Давлатлараро (хукуматлараро) ташкилот учун куйидаги белгилар характерлидир:

- биринчидан, давлатларнинг аъзолиги;
- иккинчцдан, халкаро таъсис шартномасининг мавжудлиги;
- учинчидан, доимий органларининг мавжуд булиши;
- туртинчидан, давлатлар суверенитетининг хурмат килиниши;

Халкаро ташкилотлар халкаро хукукнинг субъектлари хисобланадилар.

Нохукумат халкаро ташкилотларнинг асосий фаркли белгилари уларнинг давлатлараро шартнома асосида ташкил этилмаганликлари, жисмоний ва юридик шахсларни бирлаштирганликлари (масалан, Халкаро хукук ассоциацияси)дан иборат.

Аьзоларининг таркибига кура халкаро хукуматлараро ташкилотлар:

- биринчи, универсал, барча давлатлар иштирок этишлари учун очик ташкилотлар (БМТ ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари);
- иккинчи, минтакавий, маълум минтакада жойлашган давлатларгина аъзо булишлари мумкин ташкилотлар (Европа кенгаши, Африка бирлиги ташкилоти)га булинади.

Давлатлараро ташкилотлар умумий ва махсус ваколатли ташкилотларга булинади.
Умумий ваколатли ташкилотлар фаолияти аъзо давлатлар уртасидаги алокаларнинг хамма (сиёсий, иктисодий, ижтимоий, маданий ва бошка) сохаларига тегишли булади.

Махсус ваколатли ташкилотларнинг фаолият сохаси бирор аник, (сиёсий, иктисодий, ижтимоий) соха билан чегараланган булади.

Ваколатлари табиатидан келиб чикдан холда таснифлаш давлатлараро ва давлатлардан юкори турувчи ташкилотларни фарклашга имкон беради. Биринчи гурухга мавжуд ташкилотларнинг аксарият кисми киради ва уларнинг вазифаси давлатлар уртасида хамкорликни амалга оширишдан иборат булиб, бу борада кабул килинган карорлар аъзо давлатларга юборилади. Давлатлардан юкори турувчи ташкилотлар максади интеграцияга йуналтирилган. Бу ташкилотларнинг карорлари аъзо ташкилотларнинг фукаролари ва юридик шахсларига бевосита йуналтирилган булади.

## Халкаро ташкилотларнинг юридик табиати

Халкаро ташкилотлар юридик табиатининг асосини умумий максадлар, кизикишлар ташкил этади.

Халкаро ташкилотларнинг ташкил этилишида давлатлар суверен тенглиги тамойили етакчи хисобланади. Бу:

- биринчидан, халкаро ташкилотнинг шартнома асосида ташкил этилганлиги ва аъзо булишнинг ихтиёрийлиги;
- иккинчидан, халкаро ташкилот карорларининг асосан тавсиявий характерга эгалиги;
- учинчидан, халкаро ташкилотнинг давлатлараролик хусусияти, давлатларнинг узаро тенглиги ва суверенитетининг сакланишида куринади.

Халкаро ташкилотнинг юридик табиати учун асосий нарса шундаки, унинг максадлари, фаолияти тамойиллари, ваколатлари, тузилиши ва бошкалар келишилган шартномага асосланган булади.

Албатта халкаро ташкилотларнинг муайян ваколатлар ва мажбуриятларга эга булишлари уларнинг халкаро хукукнинг асосий субъектлари хисобланувчи, давлатлар билан

тенглаштирилиши деган маънони англатмайди.

Уз вазифаларини бажаришлари учун халкаро ташкилотлар керакли юридик воситаларга эга булишлари керак. Шу уринда БМТ Уставининг 104-моддасида: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хар бир аъзо давлат худудида уз вазифаларини амалга ошириш ва максадларига эришиш учун керак буладиган ваколатлардан фойдаланади», — дейилади.

Халкаро ташкилотларга шартномалар тузиш хукуки берилади, яъни улар уз ваколатлари чегарасида турли битимлар тузадилар.

Шартномалар тузиш хукуки икки хил йул билан: ташкилот вазифа ва максадларидан келиб чиккан холда исталган шартномаларни тузиш хукукини берувчи умумий низомда ёки алохида ваколат оркали мустахкамланади.

1993 йилда Узбекистон Республикаси хукумати ва БМТ уртасида иктисодий усишнинг мухим муаммоларини хал этишга кумаклашиш, ижтимоий соханинг илдамлашига кумаклашиш, ахоли турмуш тарзини яхшилаш максадларини кузлаб БМТнинг органлари, фондлари ва дастурларини бирлаштирувчи кушма ваколатхона тузиш хакида битим имзоланган эди.

Халкаро ташкилотлар ва уларнинг ходимлари иммунитет ва хукуклардан фойдаланадилар.

Халкаро хукукнинг субъекти сифатида халкаро ташкилотлар уз фаолиятлари натижасида келиб чикувчи зарар учун жавобгардирлар ва даъво билан мурожаат килишлари хам мумкин.

## Халкаро ташкилотларнинг хукуклари, ваколатлари ва функциялари

Купчилик халкаро хукук буйича юристларнинг фикрича халкаро ташкилотнинг ваколатлари унинг фаолият сохаси предметидан келиб чикади ва унинг органлари хукук ва ваколатларида намоён булади.

Халкаро ташкилотнинг хукуклари доираси унга бевосита берилган ваколатларни хам камраб олади.

Халкаро ташкилотнинг функциялари хусусида ran кетганда, тартибга солувчи, назоратчилик, оператив ва бошка функциялар тушунилади. Бу маънода халкаро ташкилот факат уз ваколатларидан келиб чикувчи вазифаларни бажаради.

Халкаро ташкилотнинг хукуклари унинг хукук субъектлиги каби шартномавий асосга эга булади ва шу шартнома доирасида чегараланади.

## Халкаро ташкилот органлари

Халкаро ташкилот органлари унинг таркибий кисмлари ва булинмаларидир. Халкаро ташкилот органларининг хусусиятлари куйидагиларда намоён булади:

- биринчидан, халкаро ташкилотнинг органи таъсис этувчи ёки бошка акт асосида ташкил этилади;
- иккинчидан, унга маълум хукук ва ваколатлар берилган булади;
- учинчидан, ички тузилишга ва маълум таркибга эга булади;
- туртинчидан, карорлар чикариш тартибига эга;
- бешинчидан, таъсис этувчи ёки бошка актларда унинг хукуки макоми белгилаб берилган булади.

Халкаро ташкилотлар органларини турли белгиларга кура таснифлаш (классификациялаш) мумкин. Аъзолик белгисига кугра ташкилотлар хукуматлараро, парламентлараро, маъмурий, жисмоний шахс сифатида кабул этилган аъзолардан, турли ижтимоий гурухлар вакиллари аъзолигидан иборат булишлари мумкин.

Аъзо давлатларнинг вакиллари юбориладиган хукуматлараро орган энг мухим хисобланади.

Маъмурий орган хар кандай ташкилотнинг энг мухим таркибий тузилмасидир. У факат мазкур халкаро ташкилот олдида жавобгар булиб, унинг номидан иш курувчи мансабдор шахслардан таркиб топади.

Аъзоларининг сонига кура органлар икки гурухга: а) умумий, яъни барча аъзо давлатлар кирувчи ва б) аъзолиги чекланган органга ажратилиши мумкин. Халкдро

ташкилотларнинг сиёсатини умумий аъзоликка асосланган орган белгилайди. Куйидаги энг асосий муаммолар:

- биринчидан, умуман ташкилотнинг сиёсати ва тамойиллари;
- иккинчидан, лойихалар, конвенциялар ва тавсияномалар кабул килиш;
- учинчидан, бюджет ва молия масалалари;
- туртинчидан, Устав (низом)ни кайта куриб чикиш ва унга узгартиришлар киритиш;
- бешинчидан, ташкилотта аъзолар кабул килиш масаласининг ечими унинг ихтиёрига колдирилади.

Шу билан бирга купгина ташкилотлар фаолиятида (масалан, Халкаро мехнат ташкилоти, Халкаро фукаролик авиацияси ташкилоти) аъзолиги чекланган органнинг роли ортиб бориши куринади.

Мазкур органлар иши бир-икки аъзо давлатнинг кизикишларидан келиб чикиб эмас, балки барча аъзо давлатларнинг манфаатларидан келиб чиккан холда ишларини ташкил этишлари лозим. Халкаро ташкилотнинг аъзолар таркиби чекланган органини ташкил этишда:

- одил жугрофий таксимот;
- алохида кизикишлар мавжудлиги;
- манфаатлари мос тушмаётган давлатлар гурухларининг тенг вакилликка эга булишлари;
- кичик молиявий улуш кушиш;
- сиёсий вакиллик тамойилларига таянилади.

## Халкаро ташкилотлар томонидан карорлар кабул килиниши

Халкаро ташкилот томонидан кабул килинган карорни мазкур ташкилот уставига ва бошка коидаларга мувофик равишда айни ваколатга эга орган томонидан аъзо давлатларнинг уз иродаларини билдиришлари, дейишимиз мумкин. Карорларнинг шакллантирилиши жараёни:

- биринчидан, таъсис этувчи хужжат ваколатларига;
- иккинчидан, иш юритиш коидаларига;
- учинчидан, орган таркибига боглик булиши мумкин.

Карор кабул килиниши жараёни ташаббуснинг тугилиши билан бошланади. Бундай ташаббус давлат, давлатлар гурухи, орган ёки халкаро ташкилот мансабдор шахслари томонидан курсатилиши мумкин. Одатда ташаббускор маълум муаммони куриб чикишни таклиф этади. Куп холларда у булажак карорнинг лойихасини хам таклиф этиши мумкин.

Халкаро ташкилотлар тажрибасида хаммуаллифлик хам кенг кулланилади. Бундай холларда хаммуаллифлар сонининг ортиб кетиши лойиханинг айрим бандлари буйича бир тухтамга келишда кийинчиликлар тугдириши мумкинлигини хам хисобга олиш керак.

Карорнинг шаклланишидаги кейинги боскич муаммонинг кун тартибига киритилишидир. Купгина халкаро ташкилотларда муаммонинг ялпи мажлис кун тартибига куйилишидан олдин мазкур масала ташкилотнинг ишчи гурухлари томонидан куриб чикилади ва айни шу жараёнда карор лойихаси ишлаб чикилиб, унинг тарафдорлари ва каршилик курсатувчилар маълум булади.

Карорнинг мухокама этилиши халкаро ташкилотнинг карор кабул килиш жараёнининг мухим боскичи хисобланади. Ушбу мухокама бевосита сиёсий ахамият ва юридик натижага эгадир. Карор кабул килиниши жараёнининг хал этувчи боскичи овоз берилишидир. Халкаро ташкилотларнинг аксарият органларида хар бир делегация бир овозга эга булади. Факат айрим карор кабул килишнинг фаркли тизимига эга органларда мавжуд меъёрлардан келиб чиккан холда давлатларнинг овоз беришлари узгариши мумкин.

Масалан, БМТ тизимидаги молиявий органларда хар бир давлат уз аъзолик бадалининг микдоридан келиб чикувчи овоз сонига эга.

Хар бир органнинг тартиб коидаларида карор кабул килиниши учун лозим овоз микдори белгиланади.

Карорлар бир овоздан, купчилик томонидан ёки сифатий микдор фарки билан кабул килиниши мумкин.

Купчилик овоз ва сифатий микдор фарки мутлак ёки нисбий булиши мумкин. Мутлак

купчилик барча аъзоларнинг хисобга олинишларини англатса, нисбий купчилик факат овоз бериш жараёнида хозир булган аъзоларни хисобга олади. Баъзи холларда халкаро ташкилот органида карор овозга куйилмай, яъни аккламация йули билан (маъкуллаш ёки маъкулламаслик асосида) ёки эътирозларсиз кабул килиниши мумкин. Халкаро ташкилотлар фаолияти амалиётида сунгги вактларда консенсус асосида карор кабул килиш холлари куп учрамокда. Бундай карор кабул килиш барча давлатларнинг манфаатларини хисобга олган розиликка асосланганлиги билан узига хосдир.

## Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларишшг роли ва тизими

БМТ — тинчликни ва халкаро хавфсизликни куллаб-кувватлаш, давлатлараро хамкорликни ривожлантириш максадида ташкил этилган универсал ташкилотдир. БМТ Устави Сан-Францискода утказилган конференцияда имзоланган булиб, 1945 йилдан кучга кирган. БМТ Устави барча давлатлар риоя этишлари шарт булган ягона халкаро хужжатдир. БМТ Уставининг ахамияти нафакат унинг тинчликни таъминловчи ташкилотнинг фаолиятини тартибга солувчи хужжатлигида, балки барча давлатлар учун тенг булган жамоа химоя тизимининг яратилишида асос булиб хизмат килиши ва давлатлар томонидан олиб бориладиган харбий, сиёсий, иктисодий, экологик, инсонпарварлик сохаларидаги фаолиятларини белгиловчи узига хос кодекс эканлигида хамдир. БМТ Устави доирасида куп томонлама келишув ва шартномаларнинг куп тармокли тизими вужудга келган. БМТ тузилишининг асосий сабаб ва максадлари унинг Устави «Мукаддима»сида куйидагича ифодаланган.

БМТ Уставида унинг 6 та асосий органлари курсатилган. Улар куйидагилардир:

- Бош Ассамблея;
- Хавфсизлик Кенгаши;
- Иктисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС);
- Васийлик буйича Кенгаш;
- Котибият;
- Халкаро Суд.

**Бош Ассамблея** — суверен давлатларнинг хакикий демократик вакиллик органидир. Хар бир аъзо давлат худудининг хажми, ахолининг сони, иктисодий ва харбий кудратидан катьи назар, бир овозга эга. Бош Ассамблеянинг мухим карорлари овоз бериш жараёнида иштирок этаётган давлатларнинг купчилиги томонидан кабул килинади.

У Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоларини сайлаш, ЭКОСОСнинг аъзоларини сайлаш, БМТ янги аъзоларини кабул килиш, БМТ Бош Котибини тайинлаш, ташкилот аъзоларининг хукук ва ваколатларини чеклаш, ташкилот аъзолигидан чикариш, бюджет ва бошка техник-маъмурий масалалар буйича Бош Ассамблея бажарилиши шарт булган карорлар кабул килиш каби мухим ишларни бажаради. Халкаро хавфсизлик ва тинчликни куллаб-кувватлашга каратилган масалалар буйича у тавсиявий характерга эга резолюция ва декларациялар кабул килади.

Бош Ассамблея ишида БМТга аъзо булмаган БМТ кошида доимий кузатувчиларга эга булган (Ватикан, Швейцария) ва эга булмаган давлатлар хам иштирок этишлари мумкин. Бундан ташкари Фаластин Озодлик Харакати Ташкилоти, бошка бир катор халкаро ташкилотлар ва БМТнинг ихтисослашган муассасалари дам доимий кузатувчи макомига эгадирлар.

**Хавфсизлик Кенгаши** — БМТнинг энг мухим органи булиб, 15 аъзодан иборат. Ушбу аъзоларнинг бештаси (АКШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) доимий, колган унтаси нодоимий булиб, улар сайланадилар.

Хавфсизлик Кенгашининг коидаларига тегишли масалалар буйича карорлар аъзоларнинг исталган туккизтаси ёклаб овоз берган такдирда кабул килинади. Колган барча масалалар буйича карорлар Кенгашнинг барча доимий аъзолари овозларини кушиб хисоблаганда туккизта аъзо ёклаб овоз берган такдирда кабул килинади. Бошкача килиб айтганда, доимий аъзолардан биттаси ёки бир нечтаси бирор-бир каророрга нисбатан карши овоз берса, бу карор кабул кллинмайди. Бундай холат вето куйилиши деб аталади.

БМТ Уставига кура Хавфсизлик Кенгаши урушнинг олдини олиш, давлатларнинг

тинч хамкорлик килишларига шарт-шароитлар яратишда катта ваколатларга эга.
Хавфсизлик Кенгаши томонидан БМТ Уставига мувофик кабул килинган баъзи карорлар меъёр урнатувчи мазмунида булиши мумкин.

МТ тизими Хавфсизлик Кенгаши томонидан кабул килинган карорларнинг бошка орган томонидан кайта куриб чикилиши ёки даъво килиниши имконини бекор килади. Бу карорлар мукаммал саналади ва текширилиши мумкин эмас.

БМТ Уставига мувофик Хавфсизлик Кенгаши доимий фаолият курсатиши ва аъзо давлатлар номидан тез ва самарали иш курмоги лозим. Шу максадда Хавфсизлик Кенгашининг хар бир аъзоси БМТ кароргохида доим уз вакилига эга булиши керак.

**Иктисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)** халкаро иктисодий ва ижтимоий хамкорлик масалаларига доир фаолиятни олиб боради. ЭКОСОС 54 аъзодан иборат булиб, улар Бош Ассамблея томонидан уч муддатга сайланадилар ва хар йили ваколатлари тугаган 18 аъзонинг урнига янгилари сайлаб борилади.

ЭКОСОС БМТ Уставидан келиб чиккан холда давлатлар уртасида иктисодий илмий-техникавий хамкорликни таъминлаш, уни мувофиклаштириш й^лида самарали иш олиб бориши, халкаро хукукий хужжатларнинг ишлаб чикилишида иштирок этиши ва давлатлар иктисодий хавфсизлигини кафолатловчи институтлар ва механизмлар ишлаб чикиши лозим.
Васийлик буйича Кенгаш — бу унинг оталигидаги худудларда хукмронлик килиш хукукига эга ва мажбуриятларни бажарилишини назорат килувчи БМТ органидир. Хозирги кунда унинг беш аъзоси (АКШ, Англия, Россия, Франция, Хитой) бор. Кенгаш хар йили Нью-Йоркда бир сессия утказади. АКШ бошкарувида булган дастлабки икки худуддан факат биттаси — Тинч океани ороллари (Микронезия) колди.

БМТ Котибияти Бош Котиб ва ташкилотга лозим микдордаги ходимдан иборатдир. Ушбу орган БМТнинг бошка органлари томонидан кабул килинган карорларнинг хаётга тадбик этилишини таъминлайди ва БМТ асосий ва ёрдамчи органларига конференциявий ва бошка хизматлар курсатади.

Котибият:

- биринчи, Хавфсизлик Кенгаши санкцияларидан келиб чикувчи, тинчликни таъминловчи операцияларни олиб бориш;
- иккинчи, тинчлик мазмунидаги халкаро конференцияларни ташкил этиш ва уггказиш (Денгиз хукуки буйича конференция);
- учинчи, жахон микёсидаги иктисодий ва ижтимоий муаммолар юзасидан обзорлар тайёрлаш;
- туртинчи, куролсизланиш ва инсон хукукларининг ривожланиши каби сохалар буйича текширувлар угказиш сингари ишларни бажаради.

БМТ Котибиятинииг функциялари куйидагилардан иборат:

- БМТ тизимидаги органларга хизмат курсатади;
- БМТ тизимидаги органлар томонидан дастурларнинг ишлаб чикарилиши ва улар томонидан ишлаб чикилган сиёсатнинг амал га жорий этилишини таъминлайди;
- БМТ шугулланувчи турли масалалар буйича БМТ Бош Котибига ахборотлар беради;
- Мажлислардаги чикишларнинг огзаки таржимасини амалга оширади;
- сессия мажлислари хисоботларини тузади, чоп этади ва тар-катади;
- архивларда хужжатларни саклайди ва БМТ аъзолари булган барча давлатларга Бош Ассамблеянинг хужжатларини таркатади;
- БМТ аъзолари томонидан тузилган шартномаларни руйхатга олади ва урганади;
- Бош Ассамблея талабига кура бошка ишларни амалга оширади. Котибият БМТнинг Нью-Йоркдаги кароргохида жойлашган. Бош Котиб Котибиятни бошкаради ва бош мансабдор шахс хисобланади.

Бош Котиб Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофик, беш йил муддатга тайинланади. Бош Котиб Бош Ассамблеяга ташкилотнинг фаолияти хакида хар йили хисобот беради ва халкаро тинчликка тахдид солувчи масалалар хакида

Хавфсизлик Кенгашида маълумот беради.

Халкаро Суд — БМТнинг асосий суд органидир. У 15 та мустакил судьядан иборат булиб, улар фукароликларидан катьи назар, уз мамлакатларида олий суд лавозимларига тайинланишлари учун талаб этилган олий ахлокий талабларга жавоб берувчи ва халкаро хукук сохасида танилган юристлар орасидан сайланади.

Судьялар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан кайта сайланиш хукуки билан туккиз йилга сайланадилар. Халкаро Суд 3 йил муддатга раис, раиснинг уринбосари ва котибни сайлайди. Халкаро Суд таркибида иккита айни мамлакат фукаролари булишлари мумкин эмас.

Халкаро Суд Статутига мувофик аъзо давлатлар уртасидаги низоларни куриб чикади ва ечимини бер□Ấ睽Йᶒ¿□ـــ□

桂蹟□DŽ□□ʊ壢1Ô棘1榕10椄1裴1ⱺ涠1╵Ꚍ涠1ɡ榑1ŖŖⱡⱡ涠1ƚ榑1,□0□"⋝□ □¶□□□梵1梵
1ŖŖ□□⋚ŖŖ□1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва **халкаро хусусий хукук.**
**Халкаро хуку**кда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у □Á
睒Йҿ¿□⎵□

榁磧DŽϖ堈1Ȏ棘1榕10棲1斐1ₐ涃1ˡƬ涃1ɾ樗1ŖŖǂǂǂ涃1ɫ樗1,0"⋩ ¶梵1梵
1ŖŖ⋨ŖŖ1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро хукук объектлари.
Халкаро хукук функциялари.
Халкаро хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хук**ук.**
**Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараё**ни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва ташки сиёсати.

Халкаро хукукнинг пайдо булиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилаларнинг ёзилмаган конунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у Á
睽Йϱ¿⎵

梿磧DŽƢ墈1Ô棘1榕10楱1奘1ⱺ溷1ˡ Ƅ溷1ɞ樗1ŖŖⱨ溷1ⱡ樗1,0"⋛ ¶梵1梵
1ŖŖ⋞ŖŖ1ā

муаллиф- Сатторов Дилшод Юлдашевич

Халкаро хукук фани буйича маъруза матнлари

1-маъруза.

Халқаро хуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Халкаро хукукнинг пайдо булиши.
Халкаро хукук тушунчаси.
Халкаро х**укук объектлари.**
**Халкаро хукук функциялари.**
**Халкаро** хукук ва давлатларнинг миллий хукук тизими.
Халкаро оммавий хукук ва халкаро хусусий хукук.
Халкаро хукукда меъёрларни яратиш жараёни.
Халкаро хукук тизими.
Узбекистон Республикаси дипломатияси ва **ташки сиёсати.**

**Халкаро хукукнинг пайдо б**улиши

Халкаро хукук; хукукнинг бошка сохалари каби уз-узидан пайдо булган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараккиётининг дастлабки боскичларида кадимий илк жамоалар ва кабилалар бир-биридан алохида ажралган холда эмас, балки кабилала**рнинг ёзилмаган конунлари била**н бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлат-чиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёк; пайдо булган.

Агар, «халкаро хукук» тушунчасини давлатлараро хукук, сифа-тида тушунилса, у .

**Жахон почта иттифоки** 1874 йилда ташкил этилган, кароргохи Берндa. Халкаро почта иттифокининг мадсади почта алокасини йулга куйиш ва уни яхшилашдан иборат. Халкаро почта иттифокига аъзо барча давлатлар ягона почта худуди ташкил этадилар ва бу худудда ушбу худуднинг ягоналиги, транзитнинг эркинлиги ва ягона тарифни урнатиш тамойилига амал килади.

**Халкаро электр алокаси иттифоки** 1965 йилда ташкил этилган, кароргохи Женевада. Халкаро электр алокаси иттифокининг максади электрон алоканинг барча турларидан самарали фойдаланиш ва уни мукаммаллаштира боришга йуналтирилган халкаро хамкорликни амалга ошириш, радио тулкинларини таксимлаш, ривожланаётган давлатларга техник ёрдам курсатишдан иборат.

**Жахон метереология ташкилоти** 1947 йилда ташкил этилган, кароргохи Женевада. Халкаро метереология ташкилотининг асосий максади метереология буйича халкаро хамкорликни ташкил этиш, метереология хизматининг мукаммаллашиб боришини таъ-минлаш ва унинг ютукларидан авиация, кишлок хужалиги, кемалар катновида ва бошка сохаларда фойдаланишдир. Унинг тезкор дастури асосини бугун дунё об-хаво хизмати ташкил этади.

**Минтакавий халкаро ташкилотлар**

Универсал халкаро ташкилотлар билан бир каторда минтакавий (регионал) халкаро ташкилотлар хам мавжуд булиб, унинг аъзолари маълум жугрофий минтака давлатлари булишлари мумкин. Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлик, иктисод, ижтимоий, маданий ва бошка сохалардаги минтакавий халкаро хамкорликка каратилган булади.

БМТ Уставида бундай ташкилотларга маълум талаблар куйилади. Жумладан, уларнинг ташкил этилиш максадлари ва фаолияти БМТ Уставининг максад ва

тамойилларига тугри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иктисодий, ижтимоий, маданий ва бошка муаммоларни ечишга каратилган фаолиятига кумаклашиши лозим.

Жуда куп сонли турли минтакавий ташкилотлар ичидан умумий ваколатлиларни ажратиб курсатиш мумкин. Куйида ана шулардан айримлари тугрисида тухталиб угамиз.

Африка Бирлиги Ташкилоти — таркибига 50 дан зиёд Африка давлатлари аъзо булган энг йирик минтакавий халкаро ташкилотдир. Ушбу ташкилот 1963 йил 25 майда Аддис-Абебадаги Африка-нинг мустакил давлатлари ва хукумат рахбарлари иштирок этган ва мазкур ташкилотнинг Хартияси ва Низоми имзоланган Конференцияда ташкил этилган.

Хартиянинг 2-моддасига биноан Африка Бирлиги Ташкилотининг максадлари куйидагилардан иборат:

- биринчи, Африка давлатларининг бирлиги ва дустлигини мустахкамлаш;
- иккинчи, улар уртасида сиёсий, дипломатик, иктисодий, транспорт ва алока, таълим, маданият, химоя ва хавфсизлик ва бошка сохалардаги хамкорликни мувофиклаштириш ва кучайтириш;
- учинчи, уларнинг суверенитетини, худудий яхлитлиги ва мустакиллигини химоя килиш;
- туртинчи, Африка китьасида мустамлакачиликнинг барча турларини тугатиш ва халкаро хамкорликни куллаб-кувватлаш.

Араб давлатлари Лигаси 1945 йилда ташкил этилган булиб, унинг максадлари куйидагилардан иборат:

- биринчи, аъзо-давлатлар уртасидаги хамкорликни янада чукурлаштириш;
- иккинчи, аъзо-давлатларнинг сиёсий фаолиятини мувофиклаштириш ва иктисодий, молиявий, савдо, маданий, ижтимоий ва бошка сохаларда хамкорликни йулга куйиш;
- учинчи, аъзо-давлатларнинг мустакиллиги ва суверенитетини таъминлаш.

Америка Давлатлари Ташкилотига Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг 30 дан зиёд давлатлари ва АКШ киради (Канада бу ташкилотга кирмайди, 1962 йилда эса АКШ тазйики остида Куба Ундан чикарилган).

Жанубий-Шаркий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) 1967 йилда ташкил этилган булиб, кейинчалик унта Бруней ва Вьетнам аъзо булган. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил эти-лиши 1976 йилда Жанубий-Шаркий Осиё давлатларининг Дустлик шартномасини ва АСЕАН Декларациясини имзолаганларидан кейингина юз берди.

Ушбу хужжатлардан келиб чиккан холда Ассоциациянинг максадлари иктисодий, ижтимоий ва бошка сохаларда хамкорликни ташкил этиш, Жанубий-Шаркий Осиёда тинчлик ва баркарорликни урнатишдан иборат.

Европа Кенгаши Европа давлатларини бирлаштирувчи минтакавий халкаро ташкилотдир. Хозирги кунда 40 давлат Европа Кенгашининг аъзолари хисобланади. Шаркий Европанинг Болгария, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатлари шулар жумласидандир. Россия Европа Кенгашига 1996 йилда кабул килинди.

Европа Кенгашининг максадларига инсон хукукларини химоя килиш, демократияни чукурлаштириш, асосий хукукий таълим, ахборот, атроф-мухитни химоя килиш, согликни саклаш каби масалаларда хамкорлик килиш ва Европанинг барча давлатларини якинлаштириш кабилар киради.

## Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти

Хозирги кунда Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти халкаро минтакавий ташкилотдир. Унинг таъсис этувчи хужжатлари 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Якунловчи хужжат, 1990 йилда Парижда кабул килинган Янги Европа учун Хартия ва унта кушимча хужжат, 1992 йилда Хельсинкида кабул килинган «Узгаришлар вакти чакириги» Декларацияси ва Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият йуналишлари ва тузилишини белгиловчи пакет хисобланади. Шунга мувофик Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият сохалари: хавфсизлик, куролсизланиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, иктисодиёт, маданият, экология, инсон хукуклари, эркинликлари ва бошка масалаларда хамкорлик килишдан иборат.

Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти — таркибига жугрофий жихатдан Ванкувердан Владивостоккача булган худуд-да жойлашган 55 мамлакат аъзо булган хавфсизлик масалалари билан шугулланувчи умум Европа ташкилотидир.

Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти тинчлик ва хавфсизлик масалаларига хар томонлама ёндашади. Унинг органлари ва институтлари хамкорлик асосида тинчликни мустахкамлаш, куролланиш устидан назорат олиб бориш, привентив дипломатия, ишонч ва тинчликни мустахкамлаш, инсон хукуклари, сайловларда кузатувчиликни амалга ошириш, иктисодий ва эко-логик хавфсизлик каби кенг масалалар доирасида фаолият курсатади.

Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти, шунингдек, оддий куролларни назорат килиш ва ишончни мустахкамлаш борасида тадбирлар куллашга асос яратади. Бу сохада энг мувофик-лаштирувчи келишув 1994 йилдаги Вена хужжатидир. У давлатлар олдига уз харбий фаолиятларининг ошкоралиги ва олдиндан кура-биладиган булиши мажбуриятини куяди. Мазкур Ташкилот доирасида демократик жамиятда куролли кучларнинг урнини белгиловчи тамойиллар келтирилган Фаолият кодекси кабул килинган. Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотида бундан ташкари тортишувларни хал этишнинг бир канча механизмлари хам ишлаб чикилган.

